

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАҲСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 338:330. 341:658(575. 16)

САИПОВ ЗАЙНИДДИН ЗУХРИДДИНОВИЧ

**МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА
МОНОПОЛИЯГА ҚАРШИ СИЁСАТНИ ОБЪЕКТИВ ЗАРУРЛИГИ
ВА ИҚТИСОДИЙ МОҲИЯТИ
(Саноат корхоналари мисолида)**

**5A230108-“МОНОПОЛИЯГА ҚАРШИ БОШҚАРУВ ВА
РАҚОБАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ” ИХТИСОСЛИГИ**

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

**Илмий рахбар:
Доц. Жумаев О**

ТОШКЕНТ 2013 йил

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
I-БОБ. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА МОНОПОЛИЯГА ҚАРШИ СИЁСАТНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ.....	10
1. Бозор иқтисодиёти шaroитида монополия ва рақобатнинг иқтисодий моҳияти ва асослари	10
2. Миллий иқтисодиётни ривожлантиришда давлат томонидан тартибга солиш	19
3. Иқтисодиётни ривожлантиришда монополияга қарши сиёсатни амалга оширишда рақобат муҳитини яратиш	29
II-БОБ. МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА МОНОПОЛИЯГА ҚАРШИ СИЁСАТНИНГ ТАҲЛИЛИ.....	40
1. Миллий иқтисодиётни ривожлантиришда саноат корхоналарида рақобат муҳитини шакллантиришнинг таҳлили.....	40
2. Бухоро нефтни қайта ишлаш заводида рақобат муҳити таҳлили .	51
3. Бухоро нефтни қайта ишлаш заводининг бозордаги устун мавқеи таҳлили	60
III-БОБ. МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ.....	69
1. Макроиқтисодий барқарорликка эришишда саноат корхоналари рақобатбардошлигини ошириш	69
2. Ўзбекистонда монополияга қарши сиёсатни объектив зарурлиги ва иқтисодий моҳияти.....	80
ХУЛОСА.....	90
Фойдаланган адабиётлар рўйхати	95

КИРИШ

Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги.

Ўзбекистонда монополистик фаолиятни тартибга солиш тизимини янада объектив зарурлиги ва иқтисодий моҳияти, рақобат муҳитини изчил ривожлантириш, табиий монополиялар корхоналари фаолиятини назорат қилишни кучайтириш ва хўжалик юритувчи субъектлар томонидан нархларнинг асоссиз оширилишига йўл қўймаслик, рақобат ва унинг ҳуқуқий базасини такомиллаштириш, иқтисодиётни модернизация қилиш ва либераллаштириш шароитида асосий вазифалардан биридир.

Президентимиз томонидан мамлакатимиз иқтисодиётининг рақобатдошлигини таъминлашга тўсиқ бўлаётган, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатининг паст бўлишига, таннархининг эса асоссиз ўсиб кетишига олиб келаётган омилларни бартараф этиш зарурлигига алоҳида эътибор қаратиб, қуйидаги фикрларни таъкидлаб ўтдилар, “Аввало биз табиат томонидан берилган ноёб, қайта тикланмайдиган захиралар бўлмиш нефть, газ конденсати, табиий газ ва бошқа ёқилғи энергетика ресурсларидан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланишни ҳамон ўрганганимиз йўқ. Бу ресурсларнинг катта қисми ёқилғи сифатида фойдаланилаяпти холос”¹. Президентимиз ушбу фикрларида, иқтисодиётимизда стратегик аҳамият касб этувчи тармоқларимизда эркин рақобат муҳитини шакллантириш билан боғлиқ муаммолар мавжудлигига урғу бериб ўтганлигини кўришимиз мумкин.

Президентимиз Ислом Каримов 2013 йилда ва яқин келажакда амага оширишимиз лозим бўлган ислохотларга тўхталиб қуйидагиларни таъкидлаб ўтдилар “иқтисодиётимиз ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ҳамда технологик янгилашни жадаллаштириш ва унинг кўламини кенгайтириш, ишлаб чиқаришни

¹Ислом Каримов. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. Т.: Ўзбекистон, 2012. – 7 б.

диверсификация қилиш марказий ўрин тутиши даркор”².

Ўзбекистон Республикасида монополияга қарши сиёсатни амалга ошириш, мамлакатда соғлом рақобат муҳитини яратиш, ишлаб чиқариш корхоналарининг самарадорлигини ошириш, замонавий ишлаб чиқариш тизимини шакллантириш мамлакат иқтисодий ўсишининг муҳим омилига айланмоқда. Бу йўналишда иқтисодиёт тармоқларини жадал модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, молиявий соғломлаштириш билан бир қаторда, мамлакат ижтимоий тараққиётини янги, юксак босқичга кўтариш мақсадида “2011-2015 йилларда Ўзбекистон саноатини ривожлантиришининг устувор йўналишлари тўғрисида”ги дастур тасдиқланди. Ушбу дастур саноат соҳасида умумий қиймати қарийиб 50 миллиард доллорни ташкил этадиган 500 дан ортиқ янги инвестиция лойиҳасини амалга ошириш кўзда тутади.

2012 йилда Ўзбекистон ўз иқтисодиётини барқарор суръатлар билан ривожланишни давом эттирди, дунё бозоридаги ўз позициясини мустаҳкамлади, аҳоли турмуш даражасини изчил юксалтиришни таъминланди.

Бу даврда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти 8,2 фоизга ўсди, саноат ишлаб чиқариш ҳажми 7,7 фоизга, қишлоқ хўжалиги 7 фоизга, чакана савдо айланмаси ҳажми 13,9 фоизга ошди.

Юқоридан қайд этилган фикр мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизда монополияга қарши сиёсатни амалга ошириш, иқтисодиётимизни барча соҳаларида соғлом рақобат тизимини яратиш, саноат корхоналарни рақобатбардошлигини ошириш муҳим аҳамиятга молик долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Тадқиқот объекти ва предметининг белгиланиши. Тадқиқот объекти сифатида Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи олинди. Тадқиқот

²Бош мақсадимиз- кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2012-йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.- Тошкент, 18.01.2013 й.

предмети сифатида Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи корхонасида соғлом рақобат муҳитини ташкил этиш, корхонанинг асосий рақобатчилари ва уларнинг кучли томонлари, корхонани бозордаги мавқеи, корхонанинг асосий кўрсаткичлари ва уларни режалаштириш, ҳамда маҳсулотга бўлган талабни ошириш орқали товарларнинг рақобатбардошлилигини ошириш борасидаги масалалар ташкил этади.

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари. Ўзбекистон иқтисодиётининг реал секторида монополияга қарши сиёсатни объектив зарурлиги ва унинг иқтисодий моҳиятини очиқ бериш, монополияга қарши сиёсатни олиб бориш, саноат корхоналари ўртасида соғлом рақобат муҳитини яратиш, монополияга қарши сиёсатни объектив зарурлиги ва иқтисодий хусусиятларини ўрганиш асосида илмий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатдир. Мақсаддан келиб чиққан ҳолда ишда қуйидаги вазифалар белгилаб олинди ва тадқиқ этилди.

- Бозор иқтисодиётида монополияга қарши сиёсатни объектив зарурлиги ва иқтисодий моҳияти, соғлом рақобат муҳитини яратишни асослаб бериш;
- Бозор иқтисодиёти шароитида монополияга қарши сиёсатни амалга ошириш йўналишлари таҳлили;
- Миллий иқтисодиётни ривожлантиришда саноат корхоналарида монополияга қарши сиёсатни амалга ошириш ва рақобат муҳитини шакллантиришнинг таҳлили;
- Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитда миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш;
- Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи корхонасида соғлом рақобат муҳитини ташкил этиш, корхонанинг асосий рақобатчилари ва уларнинг кучли томонлари ўрганиш, ўз стратегиясини ишлаб чиқиш, корхона маҳсулотлари ассортиментини кенгайтириш, сифатини жаҳон стандартларига мос равишда ишлаб чиқаришгача бўлган жараёнларни таҳлил этиш, уларга бўлган талаб ва тақлиф ҳолатини, корхонани бозордаги мавқеини ўрганиш.

Корхонада соғлом рақобат муҳитини ташкил этиш хусусида илмий ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари.

Тадқиқот ишида монополияга қарши сиёсатнинг миллий иқтисодиёт тараққиётини таъминлашдаги аҳамияти ёритиб берилди.

Монополияга қарши сиёсатнинг ташкилий-иқтисодий механизмини комплекс таҳлил қилинди. Монополияга қарши сиёсатнинг ташкилий-иқтисодий механизмининг элементи сифатида унинг саноат корхоналари бозордаги мавқеи ўрганилди. Натижада уни янада такомиллаштиришга йўналтирилган амалий тавсиялар ишлаб чиқилди. Тадқиқотнинг асосий фаразлари сифатида шуни таъкидлаш жоизки, ислохотларнинг ҳозирги шарт-шароитларидан келиб чиққан ҳолда диссертация ишидаги ишлаб чиқилган таклиф ва амалий тавсиялар истиқболда республикамізда монополияга қарши сиёсат тизимининг самарали ишлашини таъминлайди.

Мавзу бўйича қисқа адабиётлар таҳлили. Иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, ундаги рақобат муҳитини шакллантириш, монопол корхоналар фаолиятини бошқаришнинг замонавий тизимини назарий ва амалий асослари қатор хорижлик иқтисодчи олимларидан С.Б.Авдашева, В.А.Аронин, В.В.Качалин, А.А. Никифоров, Ж.М.Кейнс, М.В.Романовский ва бошқаларнинг илмий тадқиқот ишларида кенг ёритилган.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимларидан М. Шарифхўжаев, С. Гуломов, Ш.Шодмонов, А.Ваҳобов, М.К.Азимов, Б.У. Пўлатов, З.С. Умаров, Н.Ўрмонов, У.Ғафуров, Р.Карлибаева ва бошқалар Ўзбекистон Республикасида монополияга қарши сиёсатнинг самарали ташкил этиш ва уни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий асосларини шакллантиришга ўзларининг ҳиссаларини қўшганлар.

Тадқиқотда қўлланилган услубларнинг қисқача тавсифи.

Диссертация ишини ёзиш жараёнида гуруҳлаш, таққослаш, омилли таҳлил, иқтисодий таҳлилнинг вертикал ва горизонтал услубларидан ва усулларида фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти.

Ишнинг назарий ва амалий аҳамияти шундаки, ундаги айрим ҳолатлар алоҳида таклиф ва тавсиялар даражасигача тадқиқ этилганки, улар иқтисодиётдаги рақобат муҳитини шакиллантириш ва монополияга қарши сиёсатни самарали ташкил этишни таъминлашга амалий ёрдам бериши мумкин.

Диссертация материалларидан олий ўқув юртларида «Рақобат сиёсати», «Монополияга қарши бошқарув назарияси», «Корхона рақобатбардошлигини баҳолаш» каби фанларнинг ўқув дастурларини объектив зарурлиги ва иқтисодий моҳияти ва ўқитиш жараёнида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги.

Ушбу диссертация ишининг илмий жиҳатдан янгилиги ислохотларнинг ҳозирги шарт-шароитларидан келиб чиққан ҳолда монополияга қарши сиёсат тизими, республикада рақобатни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмининг амалдаги ҳолати ва унинг мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлардаги аҳамиятини комплекс тадқиқ қилинганлиги, ҳамда уни янада объектив зарурлиги ва иқтисодий моҳиятига йўналтирилган таклифлар тизими ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Магистрлик диссертация ишининг илмий жиҳатдан янгилиги қуйидагиларда яққол намоён бўлади:

- монополияга қарши сиёсатнинг илмий-назарий асослари, мақсади ва ҳозирги ислохотлар шароитидаги асосий вазифалари асосланди;

- монополияга қарши сиёсатнинг объектив зарурлиги ва иқтисодий моҳияти соғлом рақобат тизиминининг ҳолати ва уни самарали ташкил этишдаги аҳамияти ёритиб берилди;
- монополияга қарши сиёсатнинг самарали ташкил этиш имкониятлари ва унда саноат корхоналари рақобатбардошлигини ошириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар берилди;
- монополияга қарши сиёсат ва иқтисодиётни макроиқтисодий барқарорлигини оширишда саноат корхоналари ўрни соғлом рақобат муҳити ёритиб берилди, таклифлар ишлаб чиқилди.

Магистрлик диссертация ишининг назарий ва методологик асоси.

Республикамиз ва хорижий иқтисодчилар томонидан иқтисодиётда рақобат муҳитини шакллантириш ва монополияга қарши бошқарув тизимига бағишланган илмий- амалий ишлари ушбу диссертация ишининг назарий ва методологик асосини ташкил этади. Шу билан биргаликда илмий ишни ёзиш жараёнида, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг асарлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган Қонунлардан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонларидан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг меъёрий ҳужжатларидан, иқтисодчи-олимлар асарларидан ва турли даврий нашрларда эълон қилинган материаллардан кенг фойдаланилди.

Диссертация таркибининг қисқча тавсифи.

Иш кириш, 3та боб, хулоса ва таклифлар, ҳамда фойдаланилган адабиётлар қисмларидан иборат.

Диссертация ишининг биринчи бобида иқтисодиётни эркинлаштириш ва диверсификациялаш шароитида монополияга қарши сиёсатнинг илмий-назарий асослари, мақсади ва ислохотлар шарт-шароитларидан келиб чиққан ҳолда, қўйиладиган асосий вазифалар ёритиб берилган. Монополияга қарши сиёсатнинг илғор тажрибалари, улардан миллий иқтисодиётимиз шарт-шароитларидан келиб чиққан ҳолда

фойдаланиш имкониятлари ёритиб берилган. Монополияга қарши сиёсат тизимини самарали ташкил этишда, соғлом рақобат муҳитининг ўрни асосли равишда ёритиб берилган.

Диссертация ишининг иккинчи бобида миллий иқтисодиётимизни ривожлантиришда монополияга қарши сиёсатнинг саноат корхоналари таҳлили қилинган. Монополияга қарши сиёсатнинг самарали ташкил этилишига саноат корхоналари бозордаги соғлом рақобат муҳити ёритиб берилган. Монопол корхоналар фаолияти бўйича бозордаги мавқеи аниқланган, ҳамда ушбу корхоналар устидан самарали назорат тизимини шакллантириш бўйича фикр мулоҳазалар берилган.

Диссертация ишининг учинчи бобида монополияга қарши сиёсатда самарали ташкил этиш орқали миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини оширишни рақобат муҳитини ривожлантириш йўллари бўйича фикр мулоҳазалар, таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган. Хусусан, монопол корхоналар фаолиятини бошқаришнинг меъёрий-ҳуқуқий асосларини янада объектив зарурлиги ва иқтисодий моҳияти, монопол ишлаб чиқариш фаолиятини камайтириш имкониятлари бўйича қатор таклиф ва амалий тавсиялар асосланган.

Мамлакатимиз Президенти И. А. Каримов рақобатнинг бозор иқтисодиётидаги аҳамиятини кўрсатиб, “Рақобат бўлмаса, бозор иқтисодиётини барпо этиб бўлмайди. Рақобат - бозорнинг асосий шarti, айтиш мумкинки, унинг қонунидир” - деб таъкидлайдилар³. Бу муҳим амалий аҳамиятга эга бўлган жиҳатларни ёритиб бериш мазкур ишнинг асосий вазифаси ҳисобланади.

³И. А. Каримов “Ўзбекистон XXI асрга интиломда”. Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясида маърузаси, 1999 йил, 14 апрелдаги, Тошкент, Ўзбекистон, 1999 йил, 34 бет.

I-БОБ. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА МОНОПОЛИЯГА ҚАРШИ СИЁСАТНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ.

1. Бозор иқтисодиёти шароитида монополия ва рақобатнинг иқтисодий моҳияти ва асослари.

Бозор иқтисодиёти, ўзининг етуклик даражаси ва ривожланиш хусусиятларидан қатъий назар рақобатнинг мавжуд бўлишини тақозо қилади. Шу билан бирга бозор иқтисодиёти ривожланиб бориши билан рақоботчилик муносабатлари ҳам такомиллашиб, ўз шаклларини ўзгартириб боради. Мамлакатимиз президенти И. А. Каримов рақобатнинг бозор иқтисодиётидаги аҳамиятини кўрсатиб, “Рақобат бўлмаса, бозор иқтисодиётини барпо этиб бўлмайди. Рақобат - бозорнинг асосий шарти, айтиш мумкинки, унинг қонунидир” - деб таъкидлайдилар⁴. Бу муҳим амалий аҳамиятга эга бўлган жиҳатларни ёритиб бериш мазкур бобнинг асосий вазифаси ҳисобланади.

Иқтисодиётда бозор механизмининг самарали амал қилиши ва рақобат муҳитининг таъминланиши монополиялар, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва амал қилиш хусусиятларини кўриб чиқишни тақозо этади. Монополия тушунчасига турли ўқув адабиётларида турлича таъриф берилади. Жумладан, баъзи ўринларда уни «давлат, корхоналар, ташкилотлар, сотувчиларнинг қандайдир хўжалик фаолиятини амалга оширишдаги мутлоқ ҳуқуқи» сифатида қаралса, бошқа ҳолатларда «фаолиятнинг у ёки бу соҳасида шахс ёки кишилар гуруҳининг ҳар қандай (баъзи адабиётларда - якка) ҳукмронлик ҳолати»⁵ деб таърифланади. Бу таърифлардаги монополиянинг «мутлоқ ҳуқуқ» ёки «ҳар қандай ёки якка ҳукмронлик ҳолати» каби тавсифлари унинг моҳиятини аниқ ёритиб беролмаслиги сабабли, уни қуйидагича таърифлаш ўринли деб

⁴И. А. Каримов “Ўзбекистон XXІасрга интилмоқда”. Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясида маърузаси, 1999 йил, 14 апрел, Тошкент

⁵Бу масалани тўлиқроқ ўрганувчиларга қуйидаги адабиётни тавсия этамиз: Ойкен В. Основные принципы экономической политики. -М: Прогресс, 1999.

ҳисоблаймиз: Монополия – монопол юқори нархларни ўрнатиш ҳамда монопол юқори фойда олиш мақсадида тармоқлар, бозорлар ва яхлит макроиқтисодиёт устидан ҳукмронликни амалга оширувчи йирик корхоналар (фирма, корпорациялар)нинг бирлашмаларидир.

«Монополия» атамасининг келиб чиқиши бозорга оид тушунчалардан (яъни, грекча «monos» - ягона, битта ва «poleo» - сотаман) таркиб топсада, бироқ унинг иқтисодий асослари аслида ишлаб чиқаришга бориб тақалади.

Монополиялар вужудга келишининг моддий асоси ишлаб чиқаришнинг тўпланиши ҳисобланади.

Ишлаб чиқаришнинг тўпланиши ишлаб чиқариш воситалари, ишчи кучи ҳамда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг йирик корхоналарда тўпланишини намоён этади.

Капиталнинг тўпланиши – бу қўшимча қийматнинг бир қисмини жамғариш (капиталлаштириш) натижасида капитал ҳажмининг ошишидир. Бу жараён қуйидаги кўрсаткичлар орқали тавсифланади: корхонадаги ишловчилар сони, корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати, қайта ишланаётган хом ашё миқдори, товар айланмаси ҳажми, фойда ҳажми.

Капиталнинг тўпланиши капиталнинг марказлашуви жараёни билан янада тўлдирилади.

Капиталнинг марказлашуви – бу бир капитал томонидан бошқа бирининг қўшиб олиниши ёки бир қанча мустақил капиталларнинг акциядорлик жамияти шаклида ихтиёрий бирлашиши орқали капитал ҳажмининг ўсишидир.

1. Бозорни қамраб олиш даражасига кўра: софмонополия, олигополия ва монопсония.

Соф монополия – тармоқдаги ягона ишлаб чиқарувчи ёки сотувчининг нарх ва ишлаб чиқариш ҳажмини белгилашдаги яккаҳукмронлик ҳолати ҳисобланади. Ўзбекистонда соф монополиялар сифатида «Ўзбекистон ҳаво йўллари» ДАК, «Ўзбекистон темир йўллари»

ДАК, Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасини мисол келтириш мумкин. Дарҳақиқат, улар ўз тармоқларидаги тегишли фаолиятларнинг ягона ишлаб чиқарувчиси ҳисобланадилар. Шунингдек, баъзи ҳолларда тармоқдаги монополист ишлаб чиқарувчилар сонининг кўпайиб бориши монополистик рақобат ҳолатининг вужудга келишига сабаб бўлади.

Олигополия - тармоқдаги бир неча йирик ишлаб чиқарувчи ёки сотувчининг нарх ва ишлаб чиқариш ҳажмини белгилашдаги ҳукмронлик ҳолати ҳисобланади. Олигополист-ишлаб чиқарувчиларга Ўзбекистонда цемент (асосан Бекобод, Қувасой, Оҳангарон, Навоий шаҳарларида жойлашган), кўмир (Ангрен шаҳри, Сурхондарё вилоятининг Сариосиё (Шарғун) ва Бойсун (Тўда) туманларида жойлашган) ишлаб чиқаришни мисол келтириш мумкин.

Монопсония – тармоқдаги ишлаб чиқарувчи ёки сотувчилар сони жуда кўп бўлиб, улар товар ёки хизматларининг ягона истеъмолчиси ёки харидори мавжуд бўлган шароитдаги яккаҳукмронлик ҳолати ҳисобланади. Бунга «ЎзДЭУавто» корхонаси яққол мисол бўла олади.

2. Монополиянинг вужудга келиши сабаби ва тавсифига кўра: табиий монополия, легал монополия, сунъий монополия.

Табиий монополия – корхонанинг технологик хусусиятлари сабабли маҳсулотга бўлган талабни қондириш рақобат мавжуд бўлмаган шароитда самаралироқ амалга оширилувчи товар бозорининг ҳолати. Бундай самарадорлик ишлаб чиқариш ҳажмининг кўпайиб бориши билан товар бирлигига тўғри келувчи хўжалик харажатларининг аҳамиятли даражада пасайиб боришида намоён бўлади.

Легал (қонуний) монополия – бу қонуний тарзда ташкил этилувчи монополистик ҳолат. Улар таркибига рақобатдан ҳимоя қилувчи қуйидаги монополия шакллари кириштириш мумкин:

1) патент тизими –бу ихтирочи ва муаллифлар томонидан яратилган ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналарини тасдиқловчи ҳамда

уларга мутлоқ ҳуқуқни тақдим этиш тизими. Бу жараён махсус гувоҳномалар – патентлар орқали амалга оширилади;

2) муаллифлик ҳуқуқи – илмий, бадиий ва санъат асарлари, ижро санъати фонограммалари, кўрсатувлар, эфир тўлкини ёки кабель орқали тасвир узатиш кабиларни яратиш ва улардан фойдаланиш муносабатларини қонуний тарзда тартибга солиш шакли. Муаллифлик ҳуқуқи фақат муаллифлар томонидан ўз маҳсулотларини маълум вақтга ёки бутунлай сотиш, улардан нусха олиш ва кўпайтиришга рухсат бериш имконини таъминлайди;

3) товар белгилари – бу савдо белгилари, нишонлари, махсус рамзлари, номи ва бошқаларни рўйхатга олиш, ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича пайдо бўлган муносабатларни қонуний тарзда тартибга солиш шакли.

Сунъий монополия – монопол фойда олиш мақсадида ташкил этилувчи бирлашмаларнинг шартли (табиий монополиялардан ажратиб туриш учун) номи. Сунъий монополия ўз манфаатлари йўлида бозор муҳити тузилишини атайлаб ўзгартиради.

Картель – битта саноат тармоғидаги бир неча корхоналарнинг уюшмаси бўлиб, унинг иштирокчилари ишлаб чиқариш воситалари ва маҳсулотларига ўз мулкый эгаллигини сақлаб қолади.

Синдикат – бир турдаги маҳсулот ишлаб чиқарувчи бир неча корхоналарнинг бирлашмаси.

Трест – ишлаб чиқариш воситалари ва тайёр маҳсулотга биргаликдаги мулкый эгаликни таъминловчи ишлаб чиқарувчиларнинг юридик шахс кўринишидаги бирлашмаси.

Консорциум – тадбиркорларнинг йирик молиявий операцияларини биргаликда амалга ошириш мақсадида бирлашуви (масалан, йирик миқёсли лойиҳаларга жуда катта миқдорда ва узок муддатли кредит бериш ёки инвестициялар қўйиш).

Концерн – расмий жихатдан мустақил бўлган, кўп тармоқликкорхоналар (саноат, савдо, транспорт ва банк каби турли соҳа корхоналари) нинг мажмуини ўз ичига олувчи бирлашма.

Монополиянинг иқтисодий тараққиётга таъсир қилувчи ижобий ва салбий томони мавжуд. Унинг ижобий томони асосан қуйидаги иккита жихат орқали намоён бўлади.

Биринчидан, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, у маълум тармоқларда нисбатан самарали амал қилади ва харажатларнинг тежалишига олиб келади.

Иккинчидан, монополист бўлмаган, майда, рақобатлашувчи соҳа корхоналарига нисбатан монополистик корхоналарда ишлаб чиқаришга илмий-техника тараққиёти ютуқларини жорий этиш учун кўпроқ рағбат ва имконият мавжуд бўлади. Йирик монополистик фирмаларда молиявий имкониятлар кенг бўлиб, инновациядан олинган фойда уларнинг муаллифларига тегиши аниқ кафолатланади. Монопол ҳокимиятни характерлаш учун бозорни марказлашув даражаси кўрсаткичидан ҳам фойдаланилади. Бу кўрсаткич биринчи бўлиб Херфиндал-Хиршман томонидан тавсия этилгани учун, у Херфиндал-Хиршман индекси деб юритилади. Бу индекс корхоналарнинг бозордаги улушлари йиғиндиси сифатида қаралади ва қайси фирманинг бозордаги улуши юқори бўлса, у фирма бозорда монопол ҳокимиятига эга бўлиши мумкин ёки шундай имконият мавжуд деб қаралади. Фирмалар бозордаги улушига кўра тартиблаштирилади.

$$I = S_1^2 + S_2^2 + S_3^2 + \dots + S_n^2,$$

бу ерда: I - Херфиндал-Хиршман индекси;

S_1^2 - бозорда энг катта улушга эга бўлган фирма;

S_2^2 - ундан кейинги катталиқдаги улушга эга фирма ва ҳоказо;

S_n^2 - энг кичик улушга эга бўлган фирма.

Агар тармоқда ягона фирма бўлиб, унинг маҳсулоти тармоқ маҳсулотини ташкил қилса, $S_1^2 = 100\%$ бўлади ва бундай ҳол соф монополия бўлади, яъни Херфиндал-Хиршман индекси $I = 10000$ га тенгдир. Масалан, АҚШ да Херфиндал-Хиршман индекси $I = 1800$ дан ошган тармоқлар, монопол тармоқларга киради. Юқоридаги индексдан монополияга қарши олиб бориладиган фаолиятда фойдаланилади. Бозорнинг катта қисмини бир неча фирмалар томонидан эгаллаб олиниш ҳолатига бозорнинг марказлашуви (концентрация рынка) дейилади. Кўпчилик адабиётларда монополияга қарши қонунга классик мисол сифатида АҚШнинг трестларга қарши қонуни келтирилади.

1890 йилда биринчи бўлиб Шерман қонуни деб аталувчи қонун қабул қилинган бўлиб, у асосан савдони ва тижоратни монополлаштиришга қарши қаратилган эди. Ушбу қонун савдо эркинлигини чекловчи ҳар қандай келишувни тақиқлар эди ва рақобатчиларни адолатсиз йўл билан йўқотишни жиноят деб қарар эди. Ушбу қонунни бузганлар жарима тўлашдан тортиб, фирмани тарқатиб юборишгача ва ҳатто жиноий жавобгарликка тортишгача жазоланишни назарда тутар эди.

1914 йилда Клейтон ва федерал савдо комиссияси қонуни қабул қилинди. Ушбу қонун Шерман қонунига қараганда анча мукаммаллашган қонун бўлиб, у қонунни бажарилишини назорат қилишни федерал савдо комиссияси зиммасига юклаган эди. Бундан ташқари ушбу қонунда монополияни вужудга келишини олдини олиш бўйича қилинадиган чоратadbирлар белгиланди. 1938 йилдаги Уилер қонуни истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилишга қаратилди.

Рақобатнинг моҳияти, иқтисодий асослари ва ривожланиш босқичлари. Рақобат бозор иқтисодиётининг ва умуман товар ҳўжалигининг энг муҳим белгиси, ривожлантириш усули ҳисобланади. Рақобатнинг иқтисодий мазмунини тушуниб олиш, унга турли томондан ёндошишини талаб қилади. Ресурсларни етказиб берувчилар ўртасидаги

рақобат, ўзларининг иқтисодий ресурсларини (капитал, ер, ишчи кучи) юқори баҳоларда сотиш учун боради. Ишлаб чиқарувчилар ва ресурсларни етказиб берувчилар ўртасидаги рақобат бозор муносабатларни ривожланган, иқтисодиёт тўлиқ эркинлашган шароитда ёрқин намоён бўлади. Рақобат истеъмолчилар ўртасида ҳам юз бериб, у товарларни қулай ва арзон баҳоларда сотиб олишга қаратилади.

Қисқача қилиб, рақобат-бир мақсад сари интилаётган бозор субъектлари иқтисодий манфаатларининг тўқнашишидан иборат бўлиб, улар ўртасидаги юқори фойда ва кўпроқ нафлиликка эга бўлиш учун курашдан иборатдир. Бунда ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги сарфланган харажатларининг ҳар бир бирлиги эвазига кўпроқ фойда олиш учун кураш боради. Мана шу фойда орқасидан қувиш натижасида товарларни сотиш доиралари, яъни қулай бозорлар учун, арзон хом-ашё, энергия ва арзон ишчи кучи манбаалари учун улар орасидаги кураш бўлади.

Рақобат курашларининг шакллари ва уларнинг асосий белгилари.

Иқтисодий адабиётларда бир тармоқ ичидаги рақобатнинг тўртта шакли алоҳида ажратилиб кўрсатилади. Булар эркин ёки эркин рақобат, монополистик рақобат, двуполия ва олигополия рақобатдир. Рақобатлашувчи корхоналар бир хил ёки бир жинсли турдош маҳсулот ишлаб чиқаради. Нархларнинг бир хил даражасида истеъмолчига қайси сотувчидан маҳсулотни харид қилиш фарқсиз бўлади.

Эркин рақобатли бозорда алоҳида корхоналар маҳсулот нархи устидан сезиларсиз назоратни амалга оширади. Чунки ҳар бир корхона умумий ишлаб чиқаришнинг унча катта бўлмаган ҳажмини беради. Шу сабабли алоҳида корхонада ишлаб чиқаришнинг кўпайиши ёки камайиши умумий тақлифга, демак маҳсулот баҳосига сезиларли таъсир кўрсатмайди.

Эркин рақобат шароитида янги корхоналар тармоққа эркин кириши, тармоқда мавжуд бўлганлари эса уни эркин ташлаб чиқиши мумкин. Хусусан янги корхоналарнинг пайдо бўлиши ва уларнинг рақобатли

бозорда маҳсулотларини сотишга ҳуқуқий, технологик, молиявий ва бошқа жиддий иқтисодий тўсиқлар бўлмайди.

Эркин рақобат икки даражада намоён бўлади: тармоқ ичида яъни бир хил товарлар ишлаб чиқарувчи корхоналар ўртасидаги рақобат ва тармоқларо, яъни турли тармоқдаги корхоналар ўртасидаги рақобат. Тармоқлар ичидаги рақобат натижасида техник даражаси ва меҳнат унумдорлиги юқори бўлган корхоналар қўшимча фойда оладилар ва аксинча, техника жиҳатдан ночор корхоналар эса, ўзларида ишлаб чиқарилган товар қийматининг бир қисмини йўқотадилар ва зарар кўрадилар. Бу капитал маблағлар кам фойда келтирадиган тармоқлардан оқиб ўтишига интилиш натижасида содир бўлади.

Тармоқда кўп бўлмаган корхоналарнинг мавжуд бўлиши олигополиянинг энг муҳим белгиси. Қачонки товарлар ва хизматлар бозорида нисбатан кам сонли ишлаб чиқарувчилар ҳукмронлик қилса, тармоқ олигополистик ҳисобланади.

Олигополистик тармоқ бир хил ёки табақалашган маҳсулот ишлаб чиқариши мумкин. Кўпчилик саноат маҳсулотлари: пўлат, мис, алюминий, кўрғошин, темир ва шу кабилар - физик маънода бир турдаги маҳсулотлар ҳисобланади ва олигополия шароитида ишлаб чиқарилади. Олигополия қандай усул билан ривожланишидан қатъий назар, кўп бўлмаган фирмалар ўртасидаги рақобат ўзаро боғлиқ бўлади. Олигополистик тармоқда ҳеч қайси фирма ўзининг баҳо сиёсатини мустақил ўзгартиришга ботина олмайди. Олигополист учун нарх ўрнатишда энг муҳими харажатлар ва талаб ҳақидаги маълумотлар ҳисобланади.

Унча кўп бўлмаган корхоналарнинг умумий ўзаро боғлиқликда жойлашиши яширинча келишишга қулайлик туғдиради. Яширинча келишиш баҳоларни қайд қилиш, бозорни бўлиш ёки тақсимлаш ва бошқача йўللар билан ўзлари ўртасидаги рақобатни чеклашдан иборат.

Биз қараб чиққан рақобатнинг тўртта шаклининг ҳар бири миллий иқтисодиётда алоҳида-алоҳида, яъни эркин ҳолда учрамайди. Иқтисодиёт соҳаларини батафсил ўрганиш, чексиз кўп ҳар хил рақобатли вазиятлар мавжудлиги шароитида, иккита бир хил тармоқни топиш қийинлигини кўрсатади. Бозор иқтисодиётига ўтиш бизга нисбатан анча олдин бошланган мамлакатларда рақобат муносабатларини ривожлантириш фавқулодда мураккаб ва узоқ даврни оладиган жараён эканлигини кўрсатади. Агар ғарб мамлакатлари иқтисодиётида рақобат бозор хўжалигининг ажралмас қисми (хусусияти) сифатида табиий пайдо бўлса, ўнлаб йиллар давомида маъмурий буйруқбозлик тартиби ҳукмрон бўлган, рақобатни ва бозорнинг бошқа белгиларини тан олмаган мамлакатларда кўп нарсани “жорий қилиш” ва ҳатто мажбуран қабул қилишга тўғри келади.

Монопол рақобатлашган бозордаги корхоналарнинг монопол ҳокимияти катта эмас. Бозордаги корхоналарнинг маҳсулотлари бир-бирини ўрнини босади ва шунинг учун ҳам алоҳида фирма юқори монопол ҳокимиятга эга бўла олмайди. Демак, айтиш мумкинки, монопол ҳокимиятдан кўрадиган соф йўқотишлар ҳам унча катта бўлмайди. Талаб чизиғининг ётиқлиги, талабнинг эластик эканлигини билдиради, шунинг учун корхоналарнинг резерв қуввати ҳам катта эмас. Бошқа томондан, монопол рақобатлашган бозор товарлар ассортиментини кенгайтиради. Бу ўз навбатида истеъмолчиларга рақобатлашган товарлар бозорида танлаш имкониятини оширади.

2. Миллий иқтисодиётни ривожлантиришда давлат томонидан тартибга солиш.

Бозор хўжалиги шароитида иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш қонунчилик, ижро этиш ва назорат қилиш характеридаги тадбирлар тизимидан иборат бўлади.

Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш ИДТТС нинг объектив имконияти иқтисодий ривожланиш, ишлаб чиқариш ва капитал

тўпланиши маълум даражага эришганда вужудга келади. Иқтисодий ривожланишда қийинчиликлар ўсиб ва зиддиятлар тўпланиб бориши бу имкониятларни ҳақиқатга айлантиришни зарур қилиб қўяди.

Ҳозирги шароитда ИДТТС такроришлаб чиқариш жараёнига тегишли бир қатор вазифаларни ҳал қилишга қаратилади. Булар жумласига иқтисодий ўсишни рағбатлантириш, ИДТТСда хусусийлаштириш, рақобатни ривожлантириш, монополияга қарши сиёсатни амалга ошириш, бандлиликни тартибга солиш, тармоқ ва минтақавий тузилмалардаги ижобий силжишларни қўллаб-қувватлаш, экспортни ҳимоя қилиш кабиларни киритиш мумкин. ИДТТС механизми тўғрисидаги тўлароқ тасаввурга эга бўлиши учун унинг мақсади, вазифалари ва тартибга солиш усуллари, ҳамда восита ёки дастакларини тўлароқ тавсифлаш лозим.

ИДТТСнинг асосий мақсади иқтисодий ва ижтимоий барқарорликни таъминлаш, мавжуд тузумни мустаҳкамлаш, мамлакат ичида ва халқаро майдонда ўз позитциясини яхшилаш ҳисобланади. Бунинг асосида бир қатор аниқ мақсадлар келиб чиқади. Улар жумласига иқтисодий циклни барқарорлаштириш; миллий хўжаликларнинг тармоқ ва минтақавий тузилишини объектив зарурлиги ва иқтисодий моҳияти, атроф-муҳит ҳолатини яхшилаш кабиларни киритиш мумкин.

ИДТТС мақсади унинг вазифаларида аниқ намоён бўлади. Бозор хўжалиги шароитида давлатнинг иқтисодий вазифалари асосан бозор тизимининг амал қилишини енгиллаштириш ва ҳимоя қилиш мақсадига эга бўлади. Бу соҳадаги давлатнинг иқтисодий вазифаларидан қуйидаги икки турини ажратиб кўрсатиш мумкин: бозор тизимининг самарали амал қилишига имкон туғдирувчи ҳуқуқий асос ва ижтимоий муҳитни таъминлаш.

Рақобатни ҳимоя қилиш иқтисодиётни тартибга солишнинг умумий тамойилларидан келиб чиқади. Бу ерда давлатнинг учта вазифаси алоҳида аҳамиятга эга:

- Даромад ва бойликни қайта тақсимлаш;

- Ресурсларни қайта тақсимлаш;
- Иқтисодиётни барқарорлаштириш, яъни иқтисодий тебранишлар вужудга келтирадиган инфляция ва бандлилик даражаси устидан назорат қилиш, ҳамда иқтисодий ўсишни рағбатлантириш.

Давлат бозор иқтисодиётининг самарали амал қилишининг шарт - шароити ҳисобланган ҳуқуқий асосни таъминлаш вазифаларини ўз зиммасига олади.

Бозор иқтисодиёти учун зарурий, ҳуқуқий асосни қуйидаги тадбирлар тақоза қилади: хусусий корхоналарга қонуний мавқеини бериш; хусусий мулкчилик ҳуқуқини аниқлаш ва шартномаларга амал қилишини кафолатлаш; корхоналар, ресурсларни етказиб берувчилар ва истеъмолчилар ўртасидаги муносабаталарни тартибга солувчи қонуний битимларни ишлаб чиқариш ва шу кабилар.

Ўзбекистон Республикасининг корхоналар, тадбиркорлик ва акционерлик жамиятлари тўғрисидаги қонунлари, ҳамда уларга киритилган қўшимча ва тузатишлар, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш.

Монополия рақобатнинг ўрнини алмаштирганда, сотувчилар бозорга таъсир кўрсатиши ёки ундаги нархларни ўз манфаатларини кўзлабўзгартириш мумкин. Монополиялар ўзларининг таклифлари умумий ҳажмини тартибга солиш лаёқатидан фойдаланиб, маҳсулот ҳажмини сунъий чеклаш орқали уларга анча юқори нарх белгилаш ва шу орқали анча барқарор фойда олиши мумкин. Бозор муносабатлари ривожланган шароитда монополиялар устидан икки усулда назорат ўрнатилади.

Биринчи усулда, технология ва иқтисодий шароитлар «рақобатли бозор мавжуд бўлиш имкониятини йўққа чиқарадиган табиий монополиялари деб номладиган тармоқларда давлат нархларини тартибга солади ва кўрсатиладиган хизматларга стандартларни ўрнатади. Транспорт, алоқа, электр-энергия ишлаб чиқариш ва бошқа ижтимоий фойдаланишдаги корхоналар маълум даражада шундай тартибга солинади.

Иккинчи усулда самарали ишлаб чиқариш жуда кўпчилик бозорларда рақобат ривожининг жуда юқори даражасида таъминланиши сабабли давлат рақобатини кучайтириш ва ҳимоя қилиш мақсадида монополияларга қарши қонунлар қабул қилади. Бизнинг Республикамизда ҳам монополь фаолиятни чеклаш, товарлар бозорида рақобатни ривожлантириш, истеъмолчилар ва тадбиркорлар манфаатини ҳимоя қилишга қаратилган қатор қонунлар қабул қилинган. Бозор тизими кишиларнинг табиий қобилияти, орттирган билими ва малакаси ҳамда мулкка эгаллигини ҳисобга олиб, уларнинг юқори даромад олишини таъминлайди.

Иқтисодиётни барқарорлаштириш, яъни иқтисодиётнинг барча соҳаларини ресурслар билан таъминлаш, тўлиқ бандлилик ва нархларнинг барқарор даражасига эришишда ёрдам бериш, ҳамда иқтисодий ўсишни рағбатлантириш давлатнинг энг муҳим вазифаси ҳисобланади. Иқтисодиётда тўлиқ бандлиликни таъминлаш учун умумий сарфлар, яъни хусусий ва давлат сарфларининг ҳажми етарли бўлмаса давлат бир томондан ижтимоий неъматлар ва хизматларга ўз харажатларини кўпайтиради, бошқа томондан хусусий секторнинг сарфларини рағбатлантириш мақсадида солиқларни қисқартиради.

ИДТТСда хусусийлаштириш объектларини сотишдан олдин тайёрлаш ва реализация қилиш, инвесторлар томонидан мажбуриятлар бажарилиши мониторингини олиб бориш соҳасида, ностратегик корхоналарда давлатнинг иштирокини қисқартиришни таъминлайди, манфаатдор давлат органлари ва хўжалик бирлашмаларини жалб этган ҳолда ИДТТСда хусусийлаштириш бўйича давлат дастурлари лойиҳаларини ишлаб чиқади.

ИДТТСда хусусийлаштириш объектларини сотишдан олдин тайёрлашни амалга оширади ва ИДТТСда хусусийлаштиришнинг, шу жумладан, иқтисодиётнинг етакчи тармоқлари корхоналарининг, аниқ

инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул бериладиган объектларни ИДТТСда хусусийлаштиришнинг шартномавий шартларини белгилайди.

ИДТТСда хусусийлаштириш объектлари, шартлари ва шакллари юзасидан қабул қилинадиган қарорларнинг ошкоралиги ва очиқлигини таъминлайди, хусусийлаштириладиган корхоналар - эмитентлар ва улар томонидан чиқариладиган қимматли қоғозлар тўғрисидаги ахборотни таркатади, шунингдек маҳаллий ва хорижий инвесторларни жалб этиш мақсадида реклама-ахборот ишларини амалга оширади.

ИДТТСда хусусийлаштириш объектларининг сотувчиси функциясини амалга оширади, уларнинг бошланғич сотув нархини, инвестициялар хажмини, савдоларнинг тури ва шартларини белгилайди, шу жумладан, давлатга тегишли қимматли қоғозларни мустақил равишда ёки шартнома асосида жалб этиладиган маҳаллий ва хорижий инвестиция воситачилари орқали ички ва халқаро бозорларда, биржа савдолари ва биржадан ташқари савдоларда сотади.

ИДТТСда хусусийлаштириш объектларининг олди-сотдиси бўйича Давлат рақобат қўмитаси томонидан тузиладиган битимларнинг ўз вақтида ва тўлиқ бажарилиши.

Янги мулкдорга хусусийлаштирилган объектга мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ордер сертификат беради.

ИДТТСда хусусийлаштириш билан боғлиқ жараёнларни таҳлил қилади, ҳамда хусусий мулкдорлар томонидан ИДТТСда хусусийлаштириш объектлари сотилишининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлайдиган.

Давлат мулки объектларини тасарруф этиш, шу жумладан, уларни хатловдан ўтказиш, ҳисобга олиш ва самарали бошқариш соҳасида.

Давлат корхоналари ва муассасаларининг, шунингдек давлат корхоналари ва муассасаларини ИДТТСда хусусийлаштириш жараёнида ташкил этиладиган хўжалик жамиятларининг Ўзбекистон Республикаси номидан муассиси бўлади.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси номидан давлат акциялар пакети улуши бўйича хўжалик жамиятларининг акциядори иштирокчиси ҳуқуқларини амалга оширади, шунингдек ушбу ҳуқуқларни ишончли сиёсатчиларга ва бошқа шахсларга беради.

"Давлат активларини бошқариш маркази" ДУК сиёсатига бериладиган хўжалик жамиятлари акциялари пакетлари улушлар рўйхатини Акциядорлик бирлашмалари ва компанияларидаги акциялар давлат улушидан самарали фойдаланилиши устидан мониторинг олиб бориш комиссиясига тасдиқлаш учун киритади.

Давлат кўчмас мулкни, давлат корхоналари ва муассасаларини, устав фондида давлат улуши бўлган хўжалик жамиятларини, шу жумладан, чет элдаги ва давлат номидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва бошқа давлат органлари иш кўрадиган хўжалик жамиятларининг, давлат кўчмас мулкни хатловдан ўтказди ва ҳисобга олади.

Давлат акциялар пакетларинингулушлари ва бошқа мол-мулкни қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ташкил этиладиган ва фаолият кўрсатаётган хўжалик жамиятларининг устав фондларига киритади.

Давлат мулки бўлган мол-мулкнинг ижарага берувчиси бўлади, ушбу ваколатларни амалга ошириш ҳуқуқи бошқа давлат органлари ва ташкилотларига берилган ҳоллар бундан мустасно;

Давлат сиёсати органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан давлат корхоналарига давлат мулкни бериш юзасидан давлат корхоналари ташкил этилиши келишилишини амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибга мувофиқ давлат мулкни бошқариш масалалари бўйича давлат органларининг ўзаро ҳамкорлигини мувофиқлаштиради;

Республика иқтисодиёти учун стратегик аҳамиятга эга бўлган хўжалик жамиятлари рўйхати бўйича таклифларни Акциядорлик

бирлашмалари ва компанияларидаги акциялар давлат улушидан самарали фойдаланилиши юзасидан мониторинг олиб бориш комиссиясига кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун киритади.

Хўжалик жамиятларида давлат улушларини бошқариш бўйича давлат ишончли вакиллари ва инвестиция активларининг ишончли сиёсатчиларини, шунингдек акциядорлик жамиятларини бошқаришда давлат иштирокининг махсус ҳуқуқидан фойдаланувчи "олтин акция" давлат вакиллари тайинлаш ва озод этиш юзасидан таклифларни Акциядорлик бирлашмалари ва компанияларидаги акциялар давлат улушидан самарали фойдаланилиши устидан мониторинг олиб бориш комиссиясига кўриб чиқиш учун киритади;

Ўзбекистонда рақобатчилик муҳитининг вужудга келиши рақобатнинг амал қилиши маълум шарт-шароитлар мавжуд бўлишини тақозо қилади. Бу шарт-шароитлар фақат бозор муносабатлари қарор топган муҳитда бўлиши мумкин. Шундай экан, бозор иқтисодиётини юзага келтириш айти вақтда рақобатчилик муҳитининг шаклланишини билдиради.

Бозор муносабатлари ривожланган мамлакатларда рақобатчилик муҳити узоқ давр давомида, ўз-ўзидан, эволюцион йўл билан вужудга келган. Бу аста-секин эркин рақобат муҳитини келтириб чиқарган. Иқтисодиётда монополлашув принциплари кучайиб бориши билан рақобат чекланади, шу сабабли рақобатчилик муҳитини вужудга келтиришда давлат ҳам қатнашади.

Бу эса давлатнинг монополияларга қарши сиёсатида ўз аксини топади. Хар бир мамлакатдаги аниқ вазият, яъни иқтисодиётнинг монополлашув даражаси унинг миқёси ва характериға қараб, бу сиёсат эркин рақобат муҳитини янгидан яратиш, уни сақлаб қолиш, зарур бўлганда қайтадан тиклаш, рақобат усулларини қарор топтириш кабиларға қаратилади. Масалан, АҚШда давлатнинг хусусий монополиялар фаолиятини чеклашға қаратилган тадбирлари 1980 йилда трестларға қарши

кабул қилинган қонунда («Шерман қонуни») ўз ифодасини топади. Монополияларга қарши қонунчилик ва уни амалга ошириш учун зарур бўлган чора-тадбирлар бошқа мамлакатларда ҳам шароит тақозо этган шаклларда амал қилади.

ИДТТСда хусусийлаштириш натижасида, биринчидан, мулк ўз эгалари қўлига топширилса, иккинчидан, кўп қиррали иқтисодиёт ва рақобатчилик муҳитини вужудга келтиради. Шундай қилиб, Ўзбекистонда рақобатчилик муҳитини вужудга келтиришнинг асосий йўли, бу рақобатни инкор қилувчи давлат монополиясидан нодавлат, турли хўжалик шакллариининг мавжудлигига асосланган ва иложи борида эркин рақобатни тақозо этувчи бозор тизимига ўтишдир. Бу ерда рақобатчилик муносабатларини шакллантириш, аввало, мустақил эркин товар ишлаб чиқарувчиларнинг пайдо бўлишини тақозо қилади, чунки рақобатнинг асосий шarti алоҳидалашган, мулкый маъсулият асосида ўз манфаатига эга бўлган ва тадбиркорлик тахликасини зиммасига олувчи эркин хўжалик субъектларининг мавжудлиги, уларнинг бозор орқали алоқа қилишидир.

Ўзбекистонда рақобатчилик муҳитини вужудга келтириш Президентимиз И. Каримовнинг иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги маърузасида таъкидланганидек, “иқтисодиётни эркинлаштириш – бу хўжалик юритувчи субъектларнинг эркинлиги ва иқтисодий мустақиллигини ошириш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш йўлидаги мавжуд тўсиқларни бартараф этишни англатади”.⁶ Шунингдек Президентимизнинг Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган Мажлисларда сўзлаган нутқида (2000 йил, феввалида) бизнесни эркинлаштириш, уларга иқтисодий мустақиллик беришнинг аниқ йўналишлари кўрсатилган.

Монополияга қарши фаол чораларни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш

⁶Президентимиз И. Каримовнинг иккинчи чақириқЎзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги маърузасидан

ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан иш олиб борилади. Рўйхатга киритилган монополия мавқеидаги корхоналар маҳсулоти бўйича нархларни ва рентабилликни тартибга солиб туришни назорат этади.⁷

Республикада монопол мавқеига эга бўлган корхоналарни давлат реестрига киритиш учун мезонлар белгилашда жаҳон тажрибаси ҳамда, ўтиш даврининг ўзига хос жихатлари ҳисобга олинади. Ҳозирги даврда Республикада агар корхона ишлаб чиқарган муайян маҳсулотлар бозордаги шу турдаги маҳсулотнинг 35%идан ортиқ бўлса, бу корхона монополистик корхона сифатида давлат реестрига киритилади. Озиқ-овқат товарлари гуруҳи учун бундай мезон даражаси 20% деб белгиланган.

Республикада монополиялар рўйхатига кирган корхоналарнинг бозордаги мавқеини тартибга солишда давлат бир қатор усуллардан фойдаланади.

Бу усуллардан иккитасини ажратиб кўрсатиш лозим: монопол мавқеидаги корхоналар маҳсулотларига нархларнинг энг юқори даражасини ёки рентабилликнинг чегарасини белгилаб қўйиш, табиий монополияларни давлат йўли билан тартибга солиш улар маҳсулот (хизмат)ларга нархлар ва тарифлар даражасини, шунингдек таклиф этиладиган товарлар ва хизматлар турига доир асосий кўрсаткичларни белгилашни ўз ичига олади.

Рақобатчилик муҳитини шакллантириш мақсадида ва давлатга қарашли бўлмаган секторни қўллаб-қувватлаш учун тадбиркорликни ривожлантириш фонди, кичик бизнесни ривожлантиришга кўмаклашиш фонди ташкил этилди.

Давлатнинг иқтисодиётга таъсир қилиш усуллари ва воситалари. Давлат миллий иқтисодиётни тартибга солишда бир қатор усуллардан фойдаланади. Бу усулларни умумлаштириб қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

⁷Президентимиз И. Каримовнинг Вазирлар Мақкамасида бўлиб ўтган Мажлисида сўзлаган нутқидан (2000 йил, февраль)

- бевосита таъсир қилиш усуллари;
- билвосита таъсир қилиш усуллари;
- ташқи иқтисодий усуллар.

Марказдан бошқариш тартиби устун бўлган мамлакатларда давлатнинг иқтисодий жараёнларга аралашувида бевосита таъсир қилиш усуллари устун бўлса, бозор иқтиодиёти эса биринчи навбатда иқтисодий жараёнларни билвосита тартибга солиш билан боғланган. Шу билан бирга барча мамлакатларда иқтисодиётнинг давлат сектори мавжуд. Давлат хилма - хил шаклдаги капиталга эгалик қилади, кредитлар беради, корхоналарга мулкдор ҳисобланади. Бу давлатнинг ижтимоий капиталнинг бир қисмига эгалик қилишига олиб келади.

Давлат иқтисодиётни бевосита тартибга солишда маъмурий воситалардан фойдаланилади. Бу иқтисодиётга аралашининг антиинфляцион тадбирлари ҳисобланиб, инфляцияни юмшатишга қаратилади.

а) мазкур сиёсатни юритишда нархлар ва иш ҳақини ошириш қонун билан тақиқланди ёки маълум доира билан чекланади. Антиинфляцион тадбирлар орқали инфляция даражасини пасайиши инвестицияларга рағбат беради. в) иш билан бандлилик хизмати фаолияти (меҳнат биржалари) ни ташкил қилиш. Давлат бу фаолиятни ташкил қилиш билан ишсизликни қисқартириш чораларини кўради. Уларни зарур касбларга қайта тайёрлайди, иш билан таъминланмаганларга нафақа беради, муҳтожларга ёрдам кўрсатади. г) иқтисодий соҳани тартибга солишни кўзда тутувчи қонуний актларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш (монополияга қарши қонунчилик, соҳибкорлик тўғрисидаги, банк соҳалари, қимматли қоғозлар бозорининг фаолиятини тартибга солишни кўзда тутувчи қонунлар).

Шу орқали бозор муносабатларининг ривожланиши қонун йўли билан кафолатланади, турли мулк шаклларининг дахлсизлиги таъминланади, монополияларга йўл берилмайди ва эркин рақобатга шароит яратилади.

Иқтисодиётни билвосита тартибга солишда иқтисодий дастак ва воситаларга устунлик берилади. У давлатнинг пул - кредит ва бюджет сиёсатида ўз ифодасини топади. Пул - кредит сиёсатининг асосий воситалари қуйидагилардан иборат бўлади:

- ҳисоб ставкасини тартибга солиш;
- молия кредит муассасаларининг марказий банкдаги эҳтиёжларини минимал ҳажмини ўрнатиш ва ўзгартириш;
- давлат муассасаларининг қимматли қоғозлар бозоридаги операциялари (давлат мажбуриятларини чиқариш, уларни сотиш ва тўлаш).

ИДТТСда асосий капиталга ҳисобланадиган жадаллашган амортизация ажратмалари алоҳида рол ўйнайди. У ҳозирги шароитда жамғариш ва иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни рағбатлантиришнинг асосий воситаси, ҳамда иқтисодий цикли ва бандликка таъсир кўрсатувчи муҳим дастак ҳисобланади.

Иқтисодиётни тартибга солишда давлат капитал қўйилмалари муҳим рол ўйнайди. Жумладан, бозор конъюктураси ёмонлашган, турғунлик ёки инқироз шароитида хусусий капитал қўйилмалар қисқаради, давлат инвестициялари эса одатда ўсади.

Шу орқали давлат ишлаб чиқаришда таназзул ва ишсизликнинг ўсишига қарши туришга ҳаракат қилади. Давлат капитал қийматлари иқтисодиёт таркибий тузилишидаги ўзгаришларда ҳам сезиларли ўринга эга бўлади, масалан, давлат хусусий капиталининг оқиб келиши етарли бўлмаган минтақалар, тармоқлар ёки фаолият соҳаларида янги объектлар қуриш ва эскиларини қайта қурулантириш орқали иқтисодиёт таркибий тузилишига таъсир кўрсатади.

Булардан ташқари давлат капитал қўйилмалари илмий - тадқиқот ишларида, кадрлар тайёрлашда, ташқи савдо ва четга капитал чиқаришда ҳам катта рол ўйнайди.

3.Иқтисодиётни ривожлантиришда монополияга қарши сиёсатни амалга оширишда рақобат муҳитини яратиш.

Ҳозирги даврда давлатимиз томонидан амалга оширилаётган иқтисодий барқарорлик, кенг қўламдаги қонунларни ҳаётга тадбиқ этиш, уларни бажарилишини таъминлаш давлат дастурларини асосини ташкил этади.

Иқтисодиётни ривожлантиришда қонунга риоя этган ҳолда монополияга қарши сиёсатни амалга ошириш ва ҳалол рақобат муҳитини яратишда Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат Қўмитасининг фаолияти муҳим ўрин эгаллаб, монополист корхоналар устидан қонунга риоя этган ҳолда назорат олиб боради.

Иқтисодиётни ривожлантиришда қонунлар асосида иш кўради ва тегишли чоралар кўради. Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат Қўмитасининг фаолиятини амалга оширишидаги Давлатимиз томонидан қабул қилинган Қонунлар қуйидагилардир.

Табиий монополиялар тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг қонуни 24. 04. 1997 й. п 398-I ушбу қонуннинг мақсади:⁸

Ўзбекистон Республикаси товар бозорларида табиий монополия субъектларининг фаолияти билан боғлиқ бўлган муносабатларни тартибга солишдан, шунингдек истеъмолчилар, давлат ва табиий монополия субъектлари манфаатларининг мутаносиблигини таъминлашдан иборатдир. Табиий монополиялар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонундан, ҳамда бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Табиий монополия субъектларининг фаолияти қуйидаги соҳаларда давлат томонидан тартибга солинади.

Нефть, нефть маҳсулотлари ва газни қувур орқали транспортировка қилиш. Электр ва иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш, ҳамда

⁸Ўзбекистон республикаси қонуни табиий монополиялар тўғрисида 24. 04. 1997й. N398-I.

транспортировка қилиш. Темир йўллар инфратузилмасидан фойдаланиш ҳисобга олинган ҳолда темир йўлларда ташиш. Умумий эркин фойдаланиладиган почта алоқаси хизматлари. Сув қувурлари ва канализация хизмати. Аэронавигациялар, портлар ва аэропортлар хизматлари. Транспорт терминаллари хизматлари, табиий монополия субъектлари фаолиятини давлат томонидан тартибга солувчи органлардир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ваколат берган орган, табиий монополия шароитида ишлаб чиқариладиган, реализация қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) рўйхати ваколатли орган томонидан белгиланади.

Табиий монополия субъектлари фаолиятини тартибга солиш қуйидаги усулларда амалга оширилади: нархларни тарифларни ёки уларнинг энг юқори ва энг паст даражасини белгилаш, ўрнатиш воситасида нархларни тартибга солиш; хизмат кўрсатилиши шарт бўлган истеъмолчиларни аниқлаш ёки уларни табиий монополия субъектлари реализация қиладиган товар билан тўлиқ ҳажмда қондиришнинг имкони бўлмаган тақдирда, таъминлашнинг энг кам даражасини белгилаш.

Табиий монополия субъектлари фаолиятини тартибга солиш учун қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа усуллар ҳам қўлланилиши мумкин.

Рақобат тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг қонуни 2012 йил 7 январда кучга кирган.

Ушбу Қонуннинг қўлланилиш соҳаси: ушбу Қонун хўжалик юритувчи субъектлар, жисмоний шахслар, давлат сиёсати органлари ва Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва (ёки) ундан ташқарида содир этиладиган, Ўзбекистон Республикасидаги товар ва молия бозорларида рақобатнинг чекланишига олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган ҳаракатларига нисбатан татбиқ этилади.

Инсофсиз рақобат - ҳўжалик юритувчи субъектнинг ёки шахслар гуруҳининг иқтисодий фаолиятни амалга оширишда афзалликларга эга бўлишга қаратилган, қонун ҳужжатларига, иш муомаласи одатларига зид бўлган, ҳамда бошқа ҳўжалик юритувчи субъектларга рақобатчиларга зарар етказадиган ёки зарар етказиши мумкин бўлган, ёхуд уларнинг ишчанлик обрўсига путур етказадиган ёки путур етказиши мумкин бўлган ҳаракатлари.

Иқтисодий концентрация - ҳўжалик юритувчи субъектнинг ёки шахслар гуруҳининг устунлигига олиб келадиган, товар ёки молия бозоридаги рақобатнинг ҳолатига таъсир кўрсатадиган битимлар тузиш ва (ёки) бошқа ҳаракатларни содир этиш.

Камситувчи шартлар шароитлар - товар ёки молия бозорига кириш, товарни ишлаб чиқариш, истеъмол қилиш, олиш, реализация қилиш, ўзгача тарзда бошқа шахсга ўтказиш шартлари шароитлари бўлиб, улар бошқа тенг шартларда шароитларда битта ёки бир нечта ҳўжалик юритувчи субъектни ўзга ҳўжалик юритувчи субъект рақобатчи билан таққослаганда тенг бўлмаган ҳолатга солиб қўяди.

Рақобат - ҳўжалик юритувчи субъектларнинг рақобатчиларнинг мусобақалашуви бўлиб, бунда уларнинг мустақил ҳаракатлари улардан ҳар бирининг товар ёки молия бозоридаги товар муомаласининг умумий шарт-шароитларига бир томонлама тартибда таъсир кўрсатиш имкониятини истисно этади ёки чеклайди.

Рақобатга қарши ҳаракатлар - рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида ҳўжалик юритувчи субъектлар учун ман этилган ҳаракатлар, шунингдек давлат сиёсати органлари, Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ҳамда улар мансабдор шахсларининг рақобатни чеклашга қаратилган ҳаракатлари ҳаракатсизлиги.

Товар - фаолиятнинг олиш ва реализация қилиш учун мўлжалланган маҳсули, шу жумладан, ишлар ва хизматлар.

Товар бозори - товарнинг шу жумладан, бир-бирининг ўрнини босадиган товарнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ёки унинг бир қисмидаги муомала доираси бўлиб, у Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий бўлинишига мос келмаслиги мумкин ва мазкур муомила доираси чегараларида товарни олиш ёки реализация қилиш имконияти мавжуд бўлади.

Устун мавқе - товар ёки молия бозорида хўжалик юритувчи субъектнинг, ёхуд шахслар гуруҳининг рақобатлашувчи хўжалик юритувчи субъектларга боғлиқ бўлмаган ҳолда унга ўз фаолиятини амалга ошириш ва рақобатнинг ҳолатига ҳал қилувчи таъсир кўрсатиш, тегишли бозорга бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг киришини қийинлаштириш, ёхуд уларнинг иқтисодий фаолият эркинлигини бошқача тарзда чеклаш имкониятини берадиган ҳолатдир. Товар бозорида қайси хўжалик юритувчи субъект ёки шахслар гуруҳи товарининг улуши:1) эллик ва ундан ортиқ фоизни ташкил этса;2) ўттиз беш фоиздан эллик фоизгача ҳажмда бўлиб, бунда қуйидаги шартлар: хўжалик юритувчи субъектнинг товар бозоридаги улуши камида бир йил мобайнида барқарор бўлиб туриши; товар бозорида бошқа хўжалик юритувчи субъектларга рақобатчиларга тегишли улушларнинг нисбий миқдорда бўлиб туриши;ушбу бозорга янги хўжалик юритувчи субъектларнинг рақобатчиларнинг киришига имконият бўлиши шартлари белгиланган бўлса, шу хўжалик юритувчи субъектнинг ёки шахслар гуруҳининг мавқеи устун мавқе деб эътироф этилади. Молия бозорида хўжалик юритувчи субъектнинг ёки шахслар гуруҳининг устун мавқеини эътироф этиш тартиби ва шартлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Товарнинг монопол юқори нархи товарнинг товар бозорида устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъект томонидан белгиланадиган нархи, агар ушбу нарх: бундай товарни ишлаб чиқариш ва реализация қилиш учун зарур бўлган харажатлар ҳамда фойда суммасидан

юқори бўлса; асоссиз харажатларнинг ўрнини қоплашга ёки товарнинг сифатини пасайтириш натижасида қўшимча фойда олишга йўналтирилган бўлса, монопол юқори нархдир. Товарнинг нархи биржа савдолари яқунларига кўра шаклланган тақдирда, у монопол юқори нарх деб эътироф этилмайди. Товарнинг молия бозоридаги монопол юқори нархи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда аниқланади.

Товарнинг монопол паст нархи товар бозорида сотувчи ёки сотиб олувчи сифатида устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъект томонидан товарнинг таннархидан паст даражада ва ушбу товарни сотишдан зарар келтирадиган даражада белгилаш натижасида рақобатнинг чекланишига олиб келадиган нарх товарнинг монопол паст нархидир. Товарнинг молия бозоридаги монопол паст нархи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда аниқланади.

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади: бир-бирининг ўрнини босадиган товарлар, инсофсиз рақобат, иқтисодий концентрация, иқтисодий фаолиятни мувофиқлаштириш, камситувчи шартлар шароитлар, келишиб олинган ҳаракатлар, нотўғри таққослаш, рақобат, товар, товар бозори, хўжалик юритувчи субъект, шахслар гуруҳи, товарнинг монопол юқори нархи, товарнинг монопол паст нархи, товар ва молия бозорларидаги рақобат, устун мавқени суиистеъмол қилиш, хўжалик юритувчи субъектларнинг рақобатни чеклайдиган келишиб олинган ҳаракатлари ва битимларини тақиқлаш, давлат сиёсати органлари, Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва юридик шахслар бирлашмаларининг рақобатни чеклайдиган ҳужжатлари ҳамда ҳаракатларини тақиқлаш, инсофсиз рақобатни тақиқлаш, танлов тендер савдоларига доир монополияга қарши талаблар, биржа савдоларига доир монополияга қарши талаблар, хўжалик юритувчи субъектларни ташкил этиш, қўшиб юбориш ва қўшиб олишга доир монополияга қарши талаблар,

акцияларни улушлари ҳақида бўлиб, барчаси юзасидан муносабатлар конунда белгилаб қўйилган.⁹

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси турли мулкчилик шаклларидаги корхоналар ўртасидаги рақобат уларни ишлаб чиқаришни бошқаришнинг ички тизимини янада объектив зарурлиги ва иқтисодий моҳиятига, техника ва технология томонидан қайта қуролланишга, маҳсулот сифатини янада ошириш ва таннархини пасайтиришга ундаши билан аҳамиятга ега.

Хусусий мулкчиликнинг роли ҳамда аҳамиятини янада ошириш, монополияга қарши самарали тартиботларни юритиш, ҳақиқий рақобат муҳитини шакллантириш ва шу орқали ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг, корхоналарнинг, умуман иқтисодиётнинг рақобатдошлигини ошириш муҳим масалалардан бирига айланган.

Шу боис, бир-бирига узвий боғлиқ бўлган мазкур жараёнларни янада фаоллаштириш ва бу борадаги саъй-ҳаракатларни бирлаштириш, тегишли чора-тадбирларни амалга оширувчи давлат институтларини янада мустаҳкамлаш муҳим аҳамият касб этади. Айни шу талаб ва заруратдан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси ҳамда, Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси негизида Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ташкил этилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Қўмита олдида турган асосий вазифалардан бири, бу – хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш, хўжалик юритувчи субъектларнинг устав жамғармаларидаги давлатга тегишли активларни ҳамда акциялар пакетлари улушларини хусусий мулкка сотиш, давлат мулкнинг хусусий мулк эгаларига сотилишида очиқлик ва ошкораликни таъминловчи давлат

⁹Ўзбекистон республикаси конуни рақобат тўғрисида 01. 06. 2012й.

тасарруфидан чиқаришнинг янги шакл ва усуллари жорий этиш, инвесторлар томонидан қабул қилинган инвестиция мажбуриятлари бажарилиши устидан мониторинг олиб бориш бўйича тизимли чоратадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга оширишдан иборат.

Қўмита томонидан товар ва молия бозорлари ҳолатини ўрганиш, рақобатга қарши ҳатти-ҳаракатларни аниқлаш ва уларнинг олдини олиш, тендер савдоларида тенг шароитларни таъминлаш, тадбиркорлик субъектларининг биржа савдолари орқали юқори ликвидли ва монополь маҳсулотни харид қила олишини кенгайтириш, табиий монополь субъектлари фаолиятини тартиблаш, ҳамда истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида олиб борилаётган амалий ишлар янада жонлантирилади.

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, Монопольдан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси монопольга қарши сиёсатни, рақобатни ривожлантиришни, табиий монопольлар фаолиятини тартибга солишни, иқтисодий ночор корхоналарни таркибий ўзгартиришни, истеъмолчилар ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини, шунингдек реклама фаолиятини назорат қилишни амалга оширувчи давлат сиёсати органи.

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, Монопольдан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ўз фаолияти юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот беради.

Хусусийлаштириш, Монопольдан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига асосланган ҳолатда фаолият юритади.

Хусусийлаштириш, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ўз фаолиятини давлат ва хўжалик сиёсати бошқа органлари, Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари ҳисобланади.

Монополияга қарши самарали сиёсатни амалга ошириш, рақобат тўғрисида ва табиий монополиялар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилиш, республикада рақобат муҳитини ривожлантириш учун ҳуқуқий майдонни янада объектив зарурлиги ва иқтисодий моҳияти, товар ёки молия бозорларида, биринчи навбатда, ички истеъмол бозорида ва реклама соҳасида ноҳалол рақобатнинг олдини олиш, давлат сиёсати ва Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан ноқонуний хатти-ҳаракатларга йўл қўймаслик, жамоат тузилмалари билан узвий мувофиқлаштирган ҳолда истеъмолчиларнинг қонуний манфаатлари ва ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш чора-тадбирларини амалга ошириш; иқтисодий ночор корхоналарнинг молиявий-иқтисодий аҳволини ва рақобатбардошлилигини чуқур таҳлил қилиш хўжалик юритувчи субъектларни таркибий ўзгартириш ва уларнинг банкротлиги бўйича функцияларни амалга ошириш, таркибий ўзгартириш, санация ва банкротлик масалаларини кўриб чиқишда давлат манфаатларини ифодалаш.

Хусусийлаштириш, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйдаги функцияларни амалга оширади:

Хусусийлаштириш, Монополиядан чиқариш ва монополияга қарши, шу жумладан, табиий монополиялар тармоқларини тартибга солиш ҳамда рақобат муҳитини ривожлантириш соҳасида:

Товар ёки молия бозорида устунлик мавқеини эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳамда табиий монополиялар субъектларининг давлат реестрларини шакллантиради ва юритади, хўжалик юритувчи субъектларни, шу жумладан табиий монополиялар субъектларини ташкил этиш, таркибий ўзгартириш ва тугатишда, шунингдек хўжалик юритувчи субъектларнинг устав фондидаги устав капиталидаги акциялар улушларни сотиб олишда рақобат, табиий монополиялар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилишини назорат қилади, товар ёки молия бозорини ўрганадилар ва хўжалик юритувчи субъектнинг ёки шахслар гуруҳининг у ердаги устунлик мавқеи мавжудлигини аниқлайди, рақобатга қарши хатти-ҳаракатларнинг ва нархлар асоссиз ўсишининг олдини олади; табиий монополияларнинг маҳсулотлари ва хизматларига нархлар ва тарифларни таҳлил қилади, табиий монополиялар субъектларининг маҳсулотлари ва улар кўрсатадиган хизматлар нархларининг асоссиз равишда ошириб юборилиши ва сифати пасайтирилишидан истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилади.

Тартибга солиб бориладиган нархлар тарифларга ва товарлар ишлар, хизматлар нархларига риоя этилишини назорат қилади.

Товар ва молия бозорларида устунлик мавқеини эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектлар ҳамда табиий монополиялар субъектлари фаолиятини давлат томонидан самарали тартибга солиш ва назорат қилишни таъминлашга, рақобат муҳитини ривожлантиришга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий ҳамда методологик базани ишлаб чиқади ва такомиллаштиради.

Давлат ва хўжалик сиёсати органлари, Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан Хусусийлаштириш, Монополиядан чиқариш ва

рақобатни ривожлантириш республика, тармоқ ва минтақавий дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда қатнашади; монополияга қарши сиёсатни янада объектив зарурлиги ва иқтисодий моҳияти, рақобатни ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасигага, давлат ва хўжалик сиёсати органларига, Маҳаллий давлат ҳокимияти органларига юборади.

Ўз ваколатлари доирасида хўжалик юритувчи субъектларни ноҳалол рақобатчилардан ҳамда давлат сиёсати ва Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳамда рақобат, банкротлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузаётган мансабдор шахсларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатларидан ҳимоя қилади.

Ўз ваколатлари доирасида давлат сиёсати органлари, Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда монополист корхоналар томонидан хўжалик юритувчи субъектларнинг товар ёки молия бозорларига киришини таъминлаш мақсадида қабул қилинган қонунчилик ва бошқа ҳужжатларнинг бажарилишини назорат қилади.

Маҳсулотларнинг монопол турларини биржа савдоларига қўйиш тўғрисида белгиланган тартибда қарорлар қабул қилади.

Марказлаштирилган манбалар ва Ҳукумат кафолати остидаги кредитлар ҳисобига товарлар ишлар, хизматларни харид қилиш ва курилиш ишларини бажаришга танлов савдолари ўтказишда қатнашади,

Шу жумладан танлов тендер ва биржа савдолари ўтказилишида рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назорат қилади

Рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузган хўжалик юритувчи субъектлар, давлат сиёсати органлари ва Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари реестрини юритади ва эълон қилади.

II-БОБ.МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА МОНОПОЛИЯГА ҚАРШИ СИЁСАТИНИ ТАҲЛИЛИ.

1. Миллий иқтисодиётни ривожлантиришда саноат корхоналарида рақобат муҳитини шакллантириш таҳлили.

2012 йилда Ўзбекистон ўз иқтисодиётини барқарор суръатлар билан ривожлантиришни давом эттирди, аҳоли турмуш даражасини изчил юксалтиришни таъминлади, дунё бозоридаги ўз позициясини мустаҳкамлади.

Бу даврда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти 8, 2 фоизга ўсди, саноат ишлаб чиқариш ҳажми 7, 7 фоизга, қишлоқ хўжалиги 7 фоизга, чакана савдо айланмаси ҳажми 13, 9 фоизга ошди.


Макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодиётнинг мутаносиблиги таъминланди. Экспорт ҳажми сезиларли равишда, яъни 11, 6 фоизга ўсди, экспорт қилинаётган маҳсулотлар таркиби ва сифати яхшиланиб бормоқда. Бунинг натижасида хомашё бўлмаган тайёр товарларнинг улуши 70 фоиздан зиёдни ташкил этмоқда. Ташқи савдо айланмасидаги ижобий сальдо 1 миллиард 120 миллион доллардан ошди. Инфляция даражасининг ўсиш суръати прогноз кўрсаткичлари доирасида сақлаб қолинди ва 7 фоиздан ошмади. 2012 йилда солиқ юкини камайтириш сиёсати давом эттирилди. Кичик корхона ва микрофирмалар учун ягона солиқ тўлови ставкалари 6 фоиздан 5 фоизга туширилгани, якка тартибдаги тадбиркорлар учун белгиланган солиқ ставкаси эса сезиларли тарзда, яъни ўртача икки баробар камайтирилгани буни яққол тасдиқлайди. Шуларга қарамасдан, давлат бюджетининг даромадлар қисми бўйича кўрсаткичлари тўлиқ бажарилди, эришилган профицит ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0, 4 фоизни ташкил этди. Давлат жами харажатларининг асосий қисми, яъни қарийб 59, 2 фоизи ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш чора-тадбирларини амалга оширишга қаратилди, унинг 34 фоиздан ортиғи

таълим, 14, 5 фоиздан кўпроғи соғлиқни сақлаш соҳаларини молиялаштиришга йўналтирилди. Мамлакатимиз молия-банк тизими барқарор ва ишончли фаолият юритиб, юқори кўрсаткичларни намоён этиб келмоқда. 2012 йилда банк тизимининг жами капитали 24, 3 фоизга, сўнгги уч йилда эса икки баробар кўпайди. Бугунги кунда капиталнинг етарлилик даражаси 24, 0 фоиздан ошиб, бу эса қабул қилинган умумий халқаро стандартлардан 3 баробар ортиқдир. 2012 йил якунлари бўйича банк тизимининг ликвидлиги 65, 0 фоиздан ортиқмоқда, бу эса талаб этиладиган минимал даражадан 2 баробар юқоридир. 2010 йилда мамлакатимизнинг атиги 13 та тижорат банки ижобий халқаро рейтингга эга бўлган бўлса, айни пайтда уларнинг сони 28 тага етди. Банклар фаолиятида, ўтган йиллардаги каби, инвестиция фаолиятига катта эътибор қаратилди. 2012 йилда иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредитлар ҳажми 2011 йилга нисбатан 1, 3 баробар ошди. Ажратилган кредитларнинг 76 фоиздан зиёди уч йилдан ортиқ муддатга берилган узоқ муддатли кредитлар экани, айниқса, эътиборга молик. 2012 йилда мамлакатимизнинг юқори суръатлар билан барқарор ўсишини таъкидлар эканмиз, бунинг боиси ва омилини авваламбор иқтисодиётимизга йўналтирилган капитал маблағлар, инвестициялар тобора ўсиб бораётганида, бу кўрсаткич ялпи ички маҳсулотга нисбатан 22,9 фоизни ташкил этганида, деб ҳисоблашимиз зарур. Республикамиз иқтисодиётида кечаётган таркибий ўзгартиришлар натижаси сифатида яратилаётган янги корхоналар ва тобора ривожланаётган хусусий тадбиркорлик соғлом рақобатни таминловчи кўплаб хўжалик юритувчи субъектларни товар бозорларига кириб келишига қулай шароитлар яратмоқда. Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан олиб борилган ишлар натижасида еришилган ютуқлар, хусусан, 2012 йил монополист корхоналар давлат реестрига ва табиий монополист субъектлари давлат реестрга киритилган корхоналарнинг жами хўжалик юритувчи

субектларнинг умумий сонига нисбати сифатида ҳисобланган тадбиркорликни монополлашиш даражаси 0, 28 фоизга тенг бўлди 2010 ва 2011 йилларда мос равишда 0, 39 ва 0, 33 фоизда эди. Ушбу кўрсаткичлар мамлакатимиз иқтисодиётида монополлашиш даражаси тобора пасайиб бораётганидан далолат беради. Товар ва молия бозорларини монополлашиш даражаларини аниқлаш, бозорлардаги мавжуд ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий тўсиқларни аниқлаш мақсадида Қўмита томонидан тизимли равишда товар ва молия бозорлари мунтазам ўрганиб келинмоқда. Таҳлиллар шуни кўрсатадики иқтисодиётимизда барча соҳаларида соғлом рақобот муҳити юзага келмоқда, фаолият кўрсатаётган монополист корхоналар устун мавқеини ўз ўзидан йўқотиб бормоқдалар. 2012 йил ҳолатига кўра монополист корхоналар сони ўтган йилга нисбатан 40 позитцияга камайган. Шунингдек 2012 йил монопол маҳсулотлар тури 27 позитцияга, монопалист корхоналар маҳсулотлари 25 ва 17 фоизга камайган.

1-диаграмма

Асосий тоифалар бўйича биржа савдоларига қўйилаётган юқори ликвидли ва монопол маҳсулотлар таркиби¹⁰



¹⁰ Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси маълумотлари

**Табиий монополия субъектлари давлат реестрида
мавжудкорхоналарсони ҳақида¹¹**

№	Худудлар номи	2011 йил ҳолатига		2012 йил ҳолатига	
		Корхоналар сони	Хизматлар тури сони	Корхоналар сони	Хизматлар тури сони
1	Қорақалпоғистон Респ.	9	5	9	5
2	Андижон	28	6	28	6
3	Бухоро	28	7	28	7
4	Жиззах	6	4	6	4
5	Қашқадарё	20	8	20	8
6	Навоий	34	7	34	7
7	Наманган	23	6	23	6
8	Самарқанд	31	8	31	8
9	Сурхондарё	33	5	33	5
10	Сирдарё	19	4	19	4
11	Тошкент	73	7	73	7
12	Фарғона	34	7	34	7
13	Хоразм	9	7	9	7
14	Тошкент ш.	85	6	86	7
15	Қўмита	12	9	12	9
	ЖАМИ	444	11	445	11

Бу ўз навбатида соғлом рақобатни тобора ривожланиб бораётганидан унинг асосида тобора рақобатлашувчи янги корхоналар маҳсулотлари бозорга кириб келаётгани туфайли бозорни назорат қилаётган монополист корхоналар устун мавқеини йўқотмоқдалар, шунингдек соғлом рақобат муҳити вужудга келмоқда. Монополист корхоналар сони асосан хизмат кўрсатиш соҳаларида 30 фоизни, озиқ-овқат соҳаларида 50 фоизни ва бошқа тармоқларда 20 фоиз кузатилган. Бугунгикунга келиб монополист

¹¹Ўзбекистон Республикасининг Хусийлаштириш, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат Қўмитаси

корхоналар давлат реестри асосан йирик корхоналардан иборат бўлиб, уларнинг кўпчилик хизмат кўрсатиш соҳасида 49 фоиз, машинасозлик ва металлургия 10 фоиз, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш 9 фоиз, нефт ва газ 8 фоиз, кимёсаноати 6 фоизни ташкил этади.

Охирги 15 йил мобайнида олиб борилган монополияга қарши сиёсат объектив заруратидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилган ишлар натижасида монополист корхоналар сони 828 тадан 178 тагача камайди; монопол маҳсулотлар сони 5186 тадан 157 тагача камайди; монопол маҳсулот ва хизматларнинг республика ялпи ички маҳсулотдаги улуши 20 фоизгача пасайди. Аввал йирик монополия ҳисобланган соҳаларда, яъни қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари бозорларида, ичимликлар, шарбатлар, нон ва нон-булка маҳсулотлари, гўшт-сут маҳсулотлари, қандолатчилик маҳсулотлари, алоҳида олинган ноозиқ-овқат маҳсулотлари бозорларида мебель, гилам ва гилам маҳсулотлари ва шунингдек телекоммуникация хизматлари бозорларида соғлом рақобат муҳити шакллантирилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини монополлашган хизматлар соҳаларига кириб келиши натижасида, транспорт хизматлари соҳасида, умумий овқатлантириш, чакана савдо соҳаларидаги йирик монопол корхоналарига барҳам берилди.

Республикада рақобат муҳитини шакллантириш учун амалга оширилган ислохотлар ва яратилган шароитлар, асосан мулкчилик шакллариининг кўплиги, муҳим бозор институтларига асос солинганлиги, товар-пул муносабатлари мукамаллиги, хусусийлаштириш орқали давлатнинг иқтисодиётидаги иштироки, давлат монополияларининг камайганлиги, хусусий тадбиркорликнинг йилдан йилга иқтисодиётдаги улушининг кўпайиши кузатилаётганлиги, давлат томонидан амалга оширилган самарали рақобат сиёсати натижасида товарлар ва хизматлар бозорларини монополлашиш даражаси сезиларли пасайди. Эришилган натижалар асосан товар ва хизматлар бозорларини эркин рақобатлаша

оладиган, охир-оқибатда соғлом рақобат муҳитини шакллантирадиган янги хўжалик юритувчи субъектлар ва тадбиркорлик субъектларини ташкил топиши учун қулай шароитларни яратишда намоён бўлади. Устун мавқега эга бўлган, айниқса истеъмол бозорида устун мавқега эга бўлган корхоналар сонини сезиларли қисқариши.

1996-2012 йилларда монополист-корхоналарнинг сони қарийиб 4-3 бараварга қисқарди, монопол маҳсулотларнинг сони 12 бараварга қисқарди, фақатгина 2007-2012 йилларда монопол маҳсулотларнинг ЯИМдаги улуши 26фоиз дан 19фоиз пасайди.

Монопол хизматлар соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари кириб келиши натижасида қуйидаги соҳаларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланиши билан йирик корхоналар монополияси тугатилди: транспорт хизматлари; умумий овқатлантириш; чакана савдо бозорларида. Уяли алоқа хизматлари бозорида нарх соҳасида жиддий рақобат кузатилмоқда. Давлат буюртмаси, савдо ва тендерларда рақобатни таъминлаш соғлом рақобатни ҳимоя қилиш ва бозор иштирокчилари учун тенг шароит яратиш мақсадида 2012 йилда 1125 та тендер савдоларининг 8 таси рақобатга зид бўлганлиги учун бекор қилинди, натижада бошланғич нархларининг асоссиз ўсишининг олди олинди ва қурилиш ишлари бўйича бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар маблағларидан 95, 7 млрд. сўм тежаб қолинди. Монополияга қарши самарали сиёсатни амалга ошириш, рақобат тўғрисида ва табиий монополиялар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилиш; республикада рақобат муҳитини ривожлантириш учун ҳуқуқий майдонни янада объектив зарурлиги ва иқтисодий моҳияти, товар ёки молия бозорларида, биринчи навбатда, ички истеъмол бозорида ва реклама соҳасида ноҳалол рақобатнинг олдини олиш, давлат сиёсати ва Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан ноқонуний хатти-ҳаракатларга йўл қўймаслик, жамоат тузилмалари билан узвий

мувофиқлаштириш иқтисодий ночор корхоналарнинг молиявий-иқтисодий аҳолини ва рақобатбардош-лилигини чуқур таҳлил қилиш киради.

Монополиядан чиқариш ва монополияга қарши, шу жумладан, табиий монополиялар тармоқларини тартибга солиш ҳамда рақобат муҳитини ривожлантириш соҳасида:

— Товар ёки молия бозорида устунлик мавқеини эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳамда табиий монополиялар субъектларининг давлат реестрларини шакллантиради ва юритади; хўжалик юритувчи субъектларни, шу жумладан табиий монополиялар субъектларини ташкил этиш, таркибий ўзгартириш ва тугатишда, шунингдек хўжалик юритувчи субъектларнинг устав фондидаги устав капиталидаги акциялар улушларни сотиб олишда рақобат, табиий монополиялар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилишини назорат қилади; товар ёки молия бозорини ўрганадилар ва хўжалик юритувчи субъектнинг ёки шахслар гуруҳининг у ердаги устунлик мавқеи мавжудлигини аниқлайди, рақобатга қарши хатти-ҳаракатларнинг ва нархлар асоссиз ўсишининг олдини олади; табиий монополияларнинг маҳсулотлари ва хизматларига нархлар ва тарифларни таҳлил қилади, табиий монополиялар субъектларининг маҳсулотлари ва улар кўрсатадиган хизматлар нархларининг асоссиз равишда ошириб юборилиши ва сифати пасайтирилишидан истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилади;

— тартибга солиб бориладиган нархлар (тарифлар)га ва товарлар ишлар, хизматлар нархларига риоя этилишини назорат қилади;

— товар ва молия бозорларида устунлик мавқеини эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектлар ҳамда табиий монополиялар субъектлари фаолиятини давлат томонидан самарали тартибга солиш ва назорат қилишни таъминлашга, рақобат муҳитини ривожлантиришга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий ҳамда методологик базани ишлаб чиқади ва такомиллаштиради; давлат ва хўжалик бошқаруви органлари,

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш республика, тармоқ ва минтақавий дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда қатнашади;

— монополияга қарши сиёсатни янада объектив зарурлиги ва иқтисодий моҳияти, рақобатни ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади, уларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига, давлат ва хўжалик бошқаруви органларига, Маҳаллий давлат ҳокимияти органларига юборади;

2-жадвал

Саноатда монополист корхоналар давлат реестрида мавжуд корхоналар сони ҳақида¹²

Соҳалар	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012
Кўмир	5	6	1	1	1	1	1	1	2	2	2
Газ	4	5	2	2	2	2	2	2	2	2	1
Озиқ-овқатлар	96	92	21	23	20	19	17	17	24	22	13
Енгил саноат	30	43	28	15	12	10	8	7	2	1	0
Маҳаллий саноат	10	12	2	1	1	1	1	1	0	0	0
Нефть-газ саноати	26	27	24	20	20	14	16	16	20	20	19
Машинасозлик	30	30	28	27	25	25	24	20	16	15	10
Қурилиш материаллари *	68	71	73	49	46	19	24	31	25	25	17
Хизматлар	329	338	165	195	191	142	132	126	114	103	100
Бошқа тармоқлар	122	129	42	30	26	21	17	17	20	21	21
Жами	721	753	386	363	344	253	242	238	225	211	183


— ўз ваколатлари доирасида хўжалик юритувчи субъектларни ноҳалол рақобатчилардан ҳамда давлат сиёсати ва Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳамда рақобат, банкротлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузаётган мансабдор шахсларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатларидан ҳимоя қилади ўз ваколатлари доирасида давлат сиёсати органлари, Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда монополист корхоналар томонидан хўжалик юритувчи субъектларнинг товар ёки молия бозорларига киришини таъминлаш мақсадида қабул қилинган қонунчилик ва бошқа ҳужжатларнинг бажарилишини назорат қилади; маҳсулотларнинг монопол турларини биржа савдоларига қўйиш тўғрисида

¹²Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат Кўмитаси

белгиланган тартибда қарорлар қабул қилади; марказлаштирилган манбалар ва ҳукумат кафолати остидаги кредитлар ҳисобига товарлар (ишлар, хизматлар)ни харид қилиш ва қурилиш ишларини бажаришга танлов савдолари ўтказишда қатнашади;

2-диаграмма

Бозордаги устун мавқега эга бўлган монопол корхоналар ва монопол маҳсулотлар сонининг ўзгариш динамикаси¹³




Техник ва техналагик янгилаш негизида саноатнинг асосий тармоқларини диверсификация қилиш, экспортга йўналтирилган ҳамда импортни ўрнини босадиган рақобатбардаш маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш чора тадбирларига қаратилган саноатимиз ривожини жадал ривожлантиришда керакли шарт шароитлар яратиб берилмоқда.

¹³Хусусийлаштириш, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат Қўмитаси

3-диаграмма

Табиий монополия корхоналари ва соҳаларининг ўргариши динамикаси¹⁴



Янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш ва ишлаб турганларини модернизация қилиш, ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш ҳамда чиқарилаётган маҳсулот турларини купайтириш юзасидан комплекс, тизимли ва ўзаро боғланган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши мамлакат саноати барқарор ҳамда тинимсиз ривожланиб боришини таъминламоқда. 2012 йилда «Ангрен» махсус индустриал

¹⁴Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат Қўмитаси маълумотлари

зонасини ташкил этиш, нефть вагаз, кумир, озиқ-овқат саноатини ривожлантириш, саноат корхоналарида ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш ҳамда маҳсулот таннархини камайтириш чораларини амалга оширилди.

Мазкур қарорлар 2011-2015 йилларда Ўзбекистан саноатини ривожлантиришнинг устувор йуналишларига доирамалдаги дастурий ҳужжатлар билан бир қаторда саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг юқори суръатлар билан ошиб боришини таъминлашга ёрдам бермоқда. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг ўсиши 2012 йилда 2011 йилга нисбатан 107,0%ни ташкил этди.

Саноат маҳсулоти ҳажмларининг юқори суръатлар билан ўсишига микробиология (125,7%), тиббиёт (118,6%), енгилсаноатда (112,9%), машинасозликда ва металлни қайта ишлашда (108,3%), қурилиш материаллари ишлаб чиқаришда (106,5%)га эришилди. Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмларининг ўсиши 2012 йил 7,7%ни, шу жумладан озиқ-овқат товарлари бўйича 9,3%ни ва ноозиқ-овқат товарлари бўйича 6,4%ни ташкил қилди.

Худудлар бўйича олганда, саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг энг юқори ўсиш суръатларига Наманган (111,5%), Самарканд (110,8%), Сурхондарё (109,7%) ва Сирдарё (109,6%) вилоятларида эришилди. Саноат ишлаб чиқариши ҳажми тузилмасида энг юқори салмоққа Тошкент (12,2%), Андижон (11,8%), Навоий (10,6%), Қашқадарё (10,3%) вилоятлари ва Тошкент шаҳри (21,5%) эга бўлди. Меҳнат унумдорлиги 5,2%га, аҳоли жон бошига истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 6,1%га ўсди.

Инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда 188,9 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва хизматлар кўрсатилди.

Саноат тармоқларини диверсификация қилиш 2012 йилда 38,0% ўрнига 38,1%ни ташкил қилди, ЯИМнинг энергия сифими нефть эквивалентида 0,6645дан 0,5699 тоннагача пасайди. Энергияни тежайдиган замонавий технологияларни жорий этиш ва энергия

ресурсларини тежаш, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш чиқимларини мақбуллаштириш натижасида хўжалик бирлашмаларида ҳамда йирик саноат корхоналарида ишлабчиқарилаётган маҳсулот таннарни 11,1%га камайди, 1 трлн. сумликдан зиёд маблағлар тежаб қилинишига эришилди.

Қуйидаги чора-тадбирлар саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш юқори суръатлар билан ўсишининг асосий омиллари бўлди. 2012 йилнинг иқтисодиётда ўзлаштирилган инвестицияларнинг умумий ҳажми 2011 йилнинг тегишли кўрсаткичига нисбатан 107,6%ни ташкил этди. Инвестициялар умумий ҳажмида ишлаб чиқариш қурилишига киритилган инвестицияларнинг улуши 67,7%ни, шу жумладан ёкилги-энергетика мажмуининг салмоғи 17,5%ни, металлургиянинг салмоғи 2,6%ни, машинасозликнинг салмоғи 4,5%ни, енгил саноатнинг салмоғи 2,5%ни, озиқ-овқат саноатининг салмоғи 1,6%ни, қурилиш материаллари саноатининг салмоғи 1,6%ни ташкил этди. 2012 йилнинг 746та лойиҳани рўёбга чиқариш тугалланди, 531та ишлаб чиқариш объекти, шу жумладан енгил саноатда 199та, озиқ-овқат саноатида 143та, қурилиш материаллари саноатида 123та, ёғочни қайта ишлаш саноатида 23та, машинасозликда 8та, кимё тармоғида 9та ва бошқа тармоқларда 26та объект фойдаланишга топширилди. «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасида чет эллик инвесторлар билан тузилган битимлар доирасида фойдаланишга топширилган 13та корхонада 2012 йилнинг якуни буйича жами 25, 1 млрд. сумлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.¹⁵

2. Бухоро нефтни қайта ишлаш заводида рақобат муҳити таҳлили.

Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи қўрилиши лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 03. 08. 1993 йилдаги 389-сонли “Қўкдумалоқ нефтгазконденсати конини, Мингбулоқ нефть конини ўзлаштиришни, Бухоро вилоятининг қоровулбозор туманидаги нефтни

¹⁵ Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари.

қайта ишлаш заводининг ҳамда Газли - Нукус газ қузури қурилишини тезлаштириш тўғрисида”ги қарорига билан ҳаётга тадбиқ этилган.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 28. 04. 1995 йилдаги 155-сонли “Бухоро вилоятида нефтни қайта ишлаш заводи қурилиши тўғрисида”ги қарори билан Бухоро вилоятида нефтни қайта ишлаш заводи қурилишини жадаллаштириш мақсадида "Ўзбекнефтгаз" миллий корпорацияси заводнинг технология қисмини Франциянинг "Текнип" фирмаси фойдаланишга тайёр ҳолда қуриши белгилаб ўтилган.

"Ўзбекнефтгаз" миллий корпорацияси "Текнип" фирмаси билан, кредитларни суғурта қилиш харажатларини ҳисобга олмаган ҳолда, жами қиймати 672, 1 млн. француз франки, 9864, 7 млн. япон йени ва 53, 4 млн. Америка доллари (контрактда қайд этилган ҳисоб-китоб курслари бўйича 262 млн. АҚШ долларига тенг) бўлган Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи қурилиши тўғрисидаги контрактни имзолаган.

Лойиҳа бўйича валюта харажатларини маблағ билан таъминлаш КОФАС (Франция) кредит агентлиги ҳамда Япония ва АҚШнинг экспорт-импорт банклари томонидан очиладиган кредит линиялари, ҳамда Республика валюта жамғармасининг кредитлари ҳисобидан амалга оширилган.

Хорижий давлатларнинг кредитларини ва Республика валюта жамғармасининг кредитини тўлаш 1998-2006 йилларда "Ўзбекнефтгаз" корпорацияси маблағлари ҳисобидан амалга оширилган. Корхона 1997 йил 22 август куни ишга туширилган.

“Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи” (кейинчалик БНҚИЗ деб аталади) “Ўзнефтмахсулот” акциядорлик компаниясининг унитар корхонаси ҳисобланади. Корхона Вазирлар Маҳкамасининг 21. 10. 2003 йил 460-сонли "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компаниясининг сиёсат тузилмасини объектив зарурлиги ва иқтисодий моҳияти тўғрисида”ги қарори билан қайта ташкил этилган.

Корхонанинг Низоми “Узнефтмахсулот ” акциядорлик компанияси таъсисчиларининг режадан ташқари умумий йиғилишининг 20. 12. 2003 йилдаги 8-сонли баённомаси балан тасдиқланган.

Корхонанинг устав фонди 73 946, 9 млн. сўмни ташкил этади.

Мазкур Низомга асосан БНҚИЗнинг асосий мақсадалари – нефть ва газоконденсатини қайта ишлаш, нефть ва газ маҳсулотларини ишлаб чиқаришдан иборат.

Корхонанинг асосий вазифалари бу:

- ишлаб чиқариш фаолиятини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ва стратегияларини ишлаб чиқиш;

- ягона техник сиёсатни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш, илмий изланиш ва лойиҳа-конструкторлик ишларини ташкил этиш, прогрессив ва олди технологияларни жорий этиш;

- ишлаб чиқарилаётган нефть ва газ маҳсулотлари сифатини доимий равишда объектив зарурлиги ва иқтисодий моҳияти, уларни даражаларини жаҳон стандартлариги мослаштиришни таъминлаш;

- лимит дисциплинасига амал қилиш, нефть ва газ маҳсулотларини тасдиқланган лимитларга риоя қилган ҳолда реализация қилиш мониторингини амалга ошириш;

- нефть ва газоконденсатни, ҳамда нефть газ маҳсулотларини ички ва ташқи бозорлар истеъмолчиларига етказиб бериш бўйича шартномалар тузиш;

- автотранспорт ва темир йўл орқали ташиш ва транспорт-экспедиция хизматларини амалга ошириш;

- давлат ижтимоий иқтисодий ривожлантириш дастурларини амалга оширишни таъминлаш ва х. к.

Корхона нефтни қайта ишлаш соҳасидаги энг юксак ва атроф муҳитга зарар етказмайдиган технология билан жихозлантирилган. Лойиҳада ҳом-ашёдан 98 фоиз тайер маҳсулот олиниши кўрсатилган. Ҳозирги пайтда ҳақиқатан ҳам ушбу меъерларга тўла амал қилинмоқда.

Корхонада 1700 дан зиёд ишчилар ишлайди. Унинг ер майдони 869 гектарни, шундан ишлаб чиқариш майдони 202, 13 гектарни ташкил қилади.

Ҳозирги кунда БНҚИЗ томонидан қуйидаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилади: барча турдаги автобензин, мазут, дизел ёқилғиси, реактив двигател ёқилғиси, суюлтирилган газ, олтингугурт ва х. к.

Рақобат сиёсатининг йўналишлари (ориентирлари). Рақобат сиёсатининг муҳим ўзига хос хусусияти шундаки, ундаиқтисодий циклнинг конъюнктураси ва фазасидан қатъий назар унинг инструментлари ва уларни қўллаш принципларини ўзгармаслигидир.

Рақобат турига кўра иккига бўлинади:

- Соф рақобат;
- Ғирром рақобат.

Соф рақобат бозор талабларига кўра виждонан курашишни берса, ғирром рақобат унинг аксини таъминлайди.

Жаҳон бозори тажрибасидан рақобат қуйидаги шарт-шароитлари мавжуд:

- Кучлар тенг ва стратегиялар ўхшаш бўлса, бозорда мувозанат узоқ сақланмайди, улар орасида келишмовчилик сусаймайди;
- Сизнинг рақибингиз ҳамма нарсадан хабардор деб билинг;
- Рақибингизнинг ғашини келтирувчи ҳаракат қилманг;
- Сизнинг ҳаракатингиз имконингиз даражасида эканига рақибингизни ишонтиринг.

Кризис шароитида рақобат ва рақобатга қарши сиёсат. Рақобат, рақобат сиёсати ва иқтисодий динамика (инқироз) ўртасида аниқ боғлиқлик мавжуд. Унинг асосини учта содда механизм ташкил этади.

1. Рақобат муҳитини бозор иштирокчилари ҳулқига кўрсатадиган таъсири. Ушбу таъсир нафақат микродаражадаги динамикага балки макроиқтисодий динамика мувозанатига таъсир кўрсатади. Ушбу таъсирнинг бир жиҳатини кўриб чиқамиз.

Тенг бўлган шароитларда рақобат кучайиши билан талабнинг ошиб бориши сотувни кенгайтиришига, уни сусайиши эса –наرخларни пасайишига олиб келади ва аксинча, рақобат ривожланмаган жойда нарх секинроқ пасаяди. Макроиктисодий мувозанат нуқтаи назаридан талаб ошган вақтда таклифни ноэластик яъни эгилувчан бўлмаслиги вау пасайганда – эластиклик яъни эгилувчанлик юқори бўлиши талабни камайиши оқибатидаишлаб чиқаришни пасайишини билдиради.

2. Бозор иштирокчилари хулқинирақобат муҳити ҳолатига кўрсатадиган таъсири. Рақобатни интенсивлиги етказиб берувчилар ўртасидаги стратегик ўзаро ҳаракатланиш доирасида намоён бўлади. Қисқа муддатда бозорнинг ушбу иштирокчилари олдиарақобат ва рақобат бўлмаган шароитни танлаш бозор иштирокчиларини стратегиясига боғлиқ бўлиб қолади.

Маълумки, инқироз шароитидапулнинг қимматлилигини баҳолаш пасаяди, шунинг учун бозорнинг ушбу таркибида“индамасдан (сўзсиз) келишиш”ни қўллаб-қувватловчи мувозанатни рад этиш эҳтимоли мумкин бўлади. Бироқ, модел даражасидасубъектив дисконт кўпайтирувчини пасайиши, рақобат режими ва эгилувчан нархларфойдасига юқори нархларни ушлаб туришдан воз кечишни билдирмайди, бунинг учун дисконт кўпайтирувчи чекланган аҳамиятдан паст бўлиши керак.

Бозорнинг ўсиш суръати қанчалик юқори бўлса, сўзсиз келишувниқўллаб-қувватлашни таъминловчи дисконт кўпайтирувчининг чекланган аҳамияти шунча кам бўлади ва аксинча, фойдаси тобора пасайиб бораётган бозорда буни амалга ошириш мураккаброқ кечади. Шундай қилиб, инқироз сўзсиз келишишнибартараф қилиш ва рақобатни кучайтириш учун шароит яратади. Бироқ, бунгатаалаб ва фойдаси камайган сотувчиларни давлат томонидан қўллаб-қувватланиши ҳалақит бериши мумкин.

Шундай қилиб, инқироз даврида рақобатга сезиларли тарзда таъсир кўрсата оладиган факторлар (омиллар) юзага келади. Бироқ, ҳақиқатда

бозор тартибини ўзгариши ўзаро узвий боғлиқ: талабни пасайиши ушбу бозорга кириш хоҳишини сусайтиради, демак, - бозорга янги сотувчиларни кириш эҳтимоли камаяди ва давлат томонидан кўрилатган зарарни қоплаш хажмлари кўпаяди. Юқорида таърифлаб берилган ёндошув рақобатга ўз таъсирини кўрсатувчи омилларнинг ўзароалоқасини тавсифлаш имконини бермайди. Буни талаб томонидан шароитларни таҳлилқилиш орқали аниқлашга ҳаракат қиламиз.

Ресурс бозорларида талаб ва шартларнинг барқарорлиги. Турғун шароитларда рақобат муҳитини ушбу бозорга нисбатан эндогенлиги шубҳасиз. Бунда, рақобатни чеклаш жамоат фаровонлигини бирмунча пасайишига, давлат томонидан рақобатни рағбатлантирилиши эсабаъзи ютуқларга олиб келиши мумкин, яъни рақобат сиёсати инструментларини самарали қўллаш имкониятини яратади.

Агар, стратегик ўзаро ҳаракатланиш қонуниятини ҳисобга оладиган бўлсак инқироз шароитида рақобатнинг туси ўзгаради. Бир томондан, бозор иштирокчиларининг маълум сонидочик-ойдин ёки сўзсиз келишувни қўллаб-қувватлаш рағбатлари сусаяди, бошқа тарафдан – талаб пасайган шароитларда бозорларга янги иштирокчиларни кириши камаяди.

Айнан шундай ёндошув бандликни қисқариши учун сабаб бўлиши мумкин. Бундан ташқари, рақобат ривожланмаган бозорларни мавжудлиги компанияларни рақобат секторидаги ҳолатини бирмунча мураккаблаштиради, улар бир вақтни ўзида пасаяётган талаб ва тобора ошиб бораётган харажатларга дуч келадилар. Шундай қилиб, маълум шароитларда рақобатни етарли даражада бўлмаслиги инқироз туфайли юзага келган йўқотишларни кўпайтиради. Шу билан бирга, бундай вазиятларда рақобатни ривожлантириш бўйича перспектив ва стратегик чора-тадбирлар маълум гуруҳларни йўқотишлари эвазига сезиларли интеграллашган потенциал самара бериши мумкин. Авваламбор, фаолиятда дуч келинадиган маъмурий тўсиқларни бартараф этиш бўйича ишларни қайтадан бошлаш ва келгусида тартиблаштиришнинг тўлиқ

масштабли ислохотларига ўтиш талаб қилинади. Бунда, муҳим ролни алоҳида гуруҳлар ва умуман жамиятни ютуқларини тартибга солиш режими ва қонунчиликни ўзгариши таъсирини ҳисобга олувчи таъсирни баҳоловчи усуллар мумкин.

Амалда фойдаланилаётган божхона – тариф моделини ревизия қилиш керак. Бир қатор тармоқлар мавжудки, уларда рақобатни активлаштириш мумкин (импортнинг тариф ва нотариф чеклашларини бекор қилиш ёрдамида). Биринчи навбатда бу экспортга йўналтирилган тармоқларга талукли, ва аксинча, ички бозорларни ҳимоя қилиш мақсадида импорт тарифларини ошириш рақобатни кучсизлантиради ва инқирозга салбий таъсир кўрсатади. Ҳимоя қилиш мақсадида қўлланиладиган чоралар ижобий таъсир кўрсатди деб таъкидламаймиз, лекин уларнинг потенциал салбий оқибатларини назарда тутиш муҳим.

Рақобат сиёсатидан ташқари, инқироз шароитида ҳам, тинчлик даврида ҳампотенциал рақобатчиларни бозорларга киришидаги харажатларини максимал даражада пасайтириш бўйича тезкор чоралар талаб қилинади. Бундай чораларга кичик улгуржи бозорларни ташкил этиш ваулардаги кўпсонли текширувларни тўхтатилиши киради.

Рақобат сиёсатининг энг муҳим вазифаси - давлат ҳокимияти тизимида қарор қабул қилиш даражаларида мақсадли ўзгартиришларни амалга оширишдир. Ҳозирча, устувор йўналиш сифатида янги иш жойларини барпо қилиш олдинга ўринга чиқмайди мавжуд корхоналарни қўллаб-қувватлаш, оқибатда маҳсулотлар ва ресурс бозорларида рақобатни чеклаш, рақобат сиёсатини келажаги ва модернизациялаш сценарийсини амалга ошириш мавҳумлигича қолади.

Республикамизда монополияга қарши ва рақобатни ривожлантириш давлат сиёсатини ижро этишга қаратилган ишлар амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасига юклатилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 26. 02. 2010 йилдаги ПФ-4191 “Монополияга қарши ишларни тартибга солиш ва рақобатни ривожлантириш тизимини янада объектив зарурлиги ва иқтисодий моҳияти чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони билан Монополияга қарши ишларни тартибга солиш тизимини янада объектив зарурлиги ва иқтисодий моҳияти, рақобат муҳитини изчил ривожлантириш, табиий монополиялар корхоналари фаолиятини назорат қилишни кучайтириш ва хўжалик юритувчи субъектлар томонидан нархларнинг асоссиз оширилишига йўл қўймаслик, иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш ишларини фаоллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси қайта ташкил қилинди.

Ушбу фармон билан Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг асосий вазифалари ҳамда фаолияти йўналишлари этиб қуйидагилар белгиланган:

- монополияга қарши самарали сиёсатни амалга ошириш, монополистик фаолиятни чеклаш тўғрисидаги ва табиий монополиялар ҳақидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилиш;

- республикада рақобат муҳитини ривожлантириш, товарлар (хизматлар, ишлар) бозорларида, биринчи навбатда ички истеъмол бозорида ва реклама соҳасида ноинсоф рақобатга чек қўйиш, Маҳаллий давлат сиёсати ва давлат ҳокимияти органлари томонидан хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан ноқонуний хатти-ҳаракатларга йўл қўймаслик учун ҳуқуқий майдонни янада объектив зарурлиги ва иқтисодий моҳияти, жамоат тузилмалари билан чамбарчас мувофиқлаштирилган ҳолда истеъмолчиларнинг қонуний манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги чора-тадбирларни амалга ошириш ва х. к.

Давлатимиз томонидан амалга оширилаётган ислохатлар БНҚИЗ ни самарали фаолия олиб боришида муҳим ўрин тутди. Корхонанинг асосий рақобатчилари ва уларнинг кучли томонлари.

БНҚИЗнинг ишлаб чиқариладиган маҳсулотига қараб рақобатчиларни келтириш мумкин.

Суюлтирилган газ:

1. Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи,
2. «Шўртаннефтегаз» УШК
3. «Муборакнефтгаз» УШК
4. «Муборак газни қайта ишлаш заводи» УШК
5. «Шўртан газ кимё комплекси» УШК
6. «Шўртангазмаҳсулот » ҚК;
7. «Кўкдумалоқгаз» ҚК.

Олтин гугурт:

1. «Муборак газни қайта ишлаш заводи» УШК;
2. «Шўртан газ кимё комплекси» УШК;
3. «Шўртаннефтегаз» УШК.

Бензин, дизел ёқилғиси, реактив двигател ёқилғиси, мазутишлабчиқариш бўйича рақобатчиси Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи ҳисобланади. Шунингдек, “Gissarneftgaz” ҚК, “Ko'kdumaloq-Gaz” ҚК ва “Шўртангазмаҳсулот ” ҚКни ҳам рақобатчилар сифатига қўшиш мумкин, чунки улар нефть маҳсулотларини қазиб чиқариб, ушбу иккита нефтни қайта ишлаш заводларига толлинг шартномаси асосида ишлаб чиқаришга бериб, юқорида келтириб ўтилган тайёр маҳсулот олиб, ички ва ташқи бозорларга сотувини амалга оширадilar.

Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи томонидан асосан газ конденсатни қайта ишлаш йўли билан тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилади. Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи эса асосан нефтни қайта ишлайди.

ФНҚИЗнинг БНҚИЗга нисбатан кучли томони унинг ишлаб чиқариш қуввати ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турлари кўплигидан иборатдир.

Яъни, БНҚИЗ газ конденсатни қайта ишлаш ҳисобига 7 хил тайёр маҳсулот ишлаб чиқариб, ФНҚИЗ эса нефтни қайта ишлаш ҳисобига 15 хил маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга.

Лекин, БНҚИЗ томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати ФНҚИЗнинг маҳсулотига нисбатан анча юқоридир. Чунки, БНҚИЗ нисбатан янги қурилган завод ҳисобланади ва газоконденсатни қайта ишлаши ҳисобига, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлари таркибида олтин гугурт миқдори жуда камдир. Шунингдек, БНҚИЗ томонидан ФНҚИЗга нисбатан юқори октан сонли бензин ишлаб чиқариш қувватига эгадир.

Бундан ташқари, суюлтирилган газ ишлаб чиқариш бўйича БНҚИЗ барча 7та рақобатчилари ичида энг кам улушни эгаллаган, яъни республикада жами ишлаб чиқариш ҳажмга нисбатан 1, 5 фоизни ташкил қилади.

Шу сингари, олтин гугурт бўйича завод томонидан 3та рақобатчилари ичида энг кам миқдорда ишлаб чиқарилиб, республикада жами ишлаб чиқариш ҳажмга нисбатан 0, 01 фоизни ташкил қилади.

Шунингдек, корхона нефть маҳсулотларини темир йўл орқали нефтебазаларгача ташиш хизмати бўйича монополист ҳисобланади. Ушбу хизмат Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи бўйича ҳам монопол бўлиб, лекин мазкур хизмат бўйича улар рақобатчилар ҳисобланмайдилар, чунки корхоналар маҳсулотларини фақат ўзларининг ҳудудларидан нефтебазаларгача ташиб берадилар.

3. Бухоро нефтни қайта ишлаш заводининг бозордаги устун мавқеи таҳлили.

Корхона ишлаб чиқараётган маҳсулотлари бўйича республика товар бозорида устунлик мавқеи эгаллаб турганлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Хусусийлаштириш, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 24. 07. 1998 й. 10-р-сонли буйруғига асосан қўйидаги нефть

махсулотлари бўйича монополист корхоналар давлат реестрига киритилган:

- барча турдаги автобензин;
- мазут;
- дизел ёқилғиси;
- реактив двигател ёқилғиси.

Шунингдек, Бухоро вилоят Хусусийлаштириш, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий бошқармаси томонидан 9.03.2004 йилда 5-сонли бўйруғи билан суюлтирилган газ ишлаб чиқариш бўйича вилоят миқёсида Монополист корхоналар давлат реестрига киритилган.

БНҚИЗнинг ички истеъмолчилари республикада фаолият юритаётган нефтебаза корхоналаридир. Корхона томонидан 2009 йилда нефт маҳсулотлари етказиб бериш бўйича 50 та, 2010 йилда 58 та, 2011 йилда 37 та шартномалар тузилган.

Корхона томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга (автобензин, мазут, дизел ёқилғиси, реактив двигател ёқилғиси, суюлтирилган газ) бўлган республика ичидаги эҳтиёжни мазкур завод ва бошқа ишлаб чиқарувчилар томонидан тўлиқ қондирилиб келинмоқда. Бундан ташқари, ушбу маҳсулотлар (бензиндан ташқари) ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан экспорт қилинмоқда.

Корхона томонидан 2010 йилда маҳсулот сотишдан ва иш (хизмат)лар кўрсатишдан тушадиган тушум 388 869 млн. сўмга режалаштирилган бўлиб, ушбу кўрсаткич ҳақиқатда 401 857 млн. сўмни (103, 3 фоиз) ташкил этган. Шу жумладан, монопол маҳсулот сотиш бўйича 352 263 млн. сўм режалаштирилган бўлиб, ҳақиқатда 359 165 млн. сўм (102 фоиз)ни ташкил этган. Сотилган маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш таннари 157 610 млн. сўмга режалаштирилган бўлиб, ҳақиқатда эса 127 027 млн. сўмни (80, 6 фоиз) ташкил қилган. Шу жумладан монопол маҳсулот сотиш бўйича 145 194 млн. сўмга режалаштирилиб, ҳақиқатда

114 367 млн. сўмни (78, 8 фоиз) ташкил этган. Корхонанинг маҳсулот сотишдан тушган ялпи фойдаси 231 259 млн. сўмга режалаштирилиб, ҳақиқатда эса 274 830 млн. сўмни (118, 8 фоиз) ташкил этган. Давр харажатлари 70 709 млн. сўмга режалаштирилиб, ҳақиқатда 68 351 млн. сўмни (96, 7 фоиз) ташкил этган. Корхонанинг бюджетга тўловлардан кейинги яъни ҳисобот давридаги соф фойдаси 171 432 млн. сўмни ташкил этган.

Шу каби, 2011 йилда маҳсулот сотишдан ва иш (хизмат)лар кўрсатишдан тушадиган тушум 421 461 млн. сўмга режалаштирилган бўлиб, ушбу кўрсаткич ҳақиқатда 474 531 млн. сўмни (112, 6 фоиз) ташкил этган. Шу жумладан, монопол маҳсулот сотиш бўйича 377 946 млн. сўм режалаштирилган бўлиб, ҳақиқатда 405 468 млн. сўм (107,3фоиз)ни ташкил этган. Сотилган маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш таннари 131 450 млн. сўмга режалаштирилган бўлиб, ҳақиқатда эса 145 519 млн. сўмни (110,7 фоиз) ташкил қилган. Шу жумладан монопол маҳсулот сотиш бўйича 115 181 млн. сўмга режалаштирилиб, ҳақиқатда 112 679 млн. сўмни (97, 8 фоиз) ташкил этган. Корхонанинг маҳсулот сотишдан тушган ялпи фойдаси 290 011 млн. сўмга режалаштирилиб, ҳақиқатда эса 329 012 млн. сўмни (113,4 фоиз) ташкил этган. Давр харажатлари 95 281 млн. сўмга режалаштирилиб, ҳақиқатда 98 287 млн. сўмни (103, 2 фоиз) ташкил этган. Корхонанинг бюджетга тўловлардан кейинги яъни ҳисобот давридаги соф фойдаси 194 653 млн. сўмни ташкил этган.

2012 йилда маҳсулот сотишдан ва иш (хизмат)лар кўрсатишдан тушадиган тушум 411 481 млн. сўмга режалаштирилган бўлиб, ушбу кўрсаткич ҳақиқатда 446 348 млн. сўмни (108, 5 фоиз) ташкил этган. Шу жумладан, монопол маҳсулот сотиш бўйича 354 620 млн. сўм режалаштирилган бўлиб, ҳақиқатда 383 950 млн. сўм (108, 3 фоиз)ни ташкил этган. Сотилган маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш таннари 160 948 млн. сўмга режалаштирилган бўлиб, ҳақиқатда эса 157 126 млн. сўмни (97, 6фоиз) ташкил қилган. Шу жумладан монопол маҳсулот сотиш

бўйича 135 899 млн. сўмга режалаштирилиб, ҳақиқатда 132 765 млн. сўмни (97, 7фоиз) ташкил этган. Корхонанинг маҳсулот сотишдан тушган ялпи фойдаси 250 497 млн. сўмга режалаштирилиб, ҳақиқатда эса 289 222 млн. сўмни (115, 5фоиз) ташкил этган. Давр харажатлари 82 709 млн. сўмга режалаштирилиб, ҳақиқатда 80 901 млн. сўмни (97, 8 фоиз) ташкил этган. Корхонанинг бюджетга тўловлардан кейинги яъни ҳисобот давридаги соф фойдаси 173 205 млн. сўмни ташкил этган.

Корхонанинг бозордаги мавқеи.

Республика бўйича 2010 йилда суюлтирилган газ ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича ҳажми жами 297 минг тоннани ташкил этган бўлиб, шундан 106 минг тоннаси (35, 8 фоиз) “Шўртан ГKM” УШК, 92 минг тоннаси (31 фоизи) “Шўртаннефтегаз” УШК, 40 минг тонниси (13, 6 фоиз) “Шўртаннефтмаҳсулот” ҚКга тўғри келади. Қолган 19, 6 фоизлик улуш 5та корхонага тақсимланиб, шундан БНҚИзнинг улуши 2, 4 ни ташкил қилган.

Шу каби, 2011 йилда суюлтирилган газ ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича ҳажми жами 368 минг тоннани ташкил этган бўлиб, шундан 109 минг тоннаси (29, 7 фоиз) “Шўртан ГKM” УШК, 89 минг тоннаси (24, 3 фоизи) “Шўртаннефтегаз” УШК, 110 минг тонниси (29, 8 фоиз) “Шўртаннефтмаҳсулот” ҚКга тўғри келади. Қолган 16, 2 фоизлик улуш 5та корхонага тақсимланиб, шундан БНҚИзнинг улуши 1, 6 ниташкил қилган.

2012 йилнинг 1-ярим йиллигида жами ишлаб чиқарилган суюлтирилган газ ҳажмидан, яъни 186 минг тонадан БНҚИзнинг улуши 1, 3 фоизни ташкил қилган.

Республика бўйича 2010 йилда жами 1426 минг тонна бензин ишлаб чиқарилиб ва сотилган бўлиб, шундан 679 минг тоннаси (47, 6 фоиз) ФНҚИЗ, 284 минг тоннаси (20 фоизи) “Гиссарнефтегаз” ҚК, 74 минг тонниси (5, 2 фоиз) “Кўкдумалоқгаз” ҚК, 3 минг тоннаси (0, 2 фоиз) “Шўртангазмаҳсулот” ҚК ва 386 минг тоннаси (27 фоизи) БНҚИЗга тўғри келади.

2011 йилда жами 1546 минг тонна бензин ишлаб чиқарилган бўлиб, шундан 740 минг тоннаси (47, 9 фоиз) ФНҚИЗ, 358 минг тоннаси (23, 2 фоизи) “Гиссарнефтегаз” ҚК, 96 минг тоннаси (6, 2 фоиз) “Кўкдумалокгаз” ҚК, 19 минг тоннаси (1, 2 фоиз) “Шўртангазмаҳсулот” ҚК ва 333 минг тоннаси (21, 5 фоизи) БНҚИЗга тўғри келади.

2012 йилнинг 1-ярим йиллигида жами 682 минг тонна бензин ишлаб чиқарилган бўлиб, шундан 296 минг тоннаси (43, 3 фоиз) ФНҚИЗ, 103 минг тоннаси (15, 1 фоизи) “Гиссарнефтегаз” ҚК, 42 минг тоннаси (6, 2 фоиз) “Кўкдумалокгаз” ҚК, 10 минг тоннаси (1,5фоиз) “Шўртангазмаҳсулот” ҚК ва 231 минг тоннаси (33, 9 фоизи) БНҚИЗга тўғри келади.

Республика бўйича 2011 йилда жами 1251, 1 минг тонна дизел ёқилғиси ишлаб чиқарилган ва сотилган бўлиб, шундан 827, 7 минг тоннаси (66 фоиз) ФНҚИЗ, 91,4 минг тоннаси (7,3фоизи) “Гиссарнефтегаз” ҚК, 0, 15 минг тоннаси (0, 01 фоиз) “Шўртангазмаҳсулот” ҚК ва 331, 8 минг тоннаси (26 фоизи) БНҚИЗга тўғри келади. Шу билан бирга, мазкур корхоналар томонидан жами 56, 7 минг тонна маҳсулот экспорт қилинган.

2012 йилнинг 1-ярим йиллигида жами 556, 8 минг тонна дизел ёқилғиси ишлаб чиқарилган ва сотилган бўлиб, шундан 366, 6 минг тоннаси (66фоиз) ФНҚИЗ, 27, 2 минг тоннаси (4,8фоизи) “Гиссарнефтегаз” ҚК, 0, 46 минг тоннаси (0,08фоиз) “Шўртангазмаҳсулот” ҚК ва 162, 5 минг тоннаси (29 фоизи) БНҚИЗга тўғри келади. Шу билан бирга, мазкур корхоналар ичида фақат ФНҚИЗ маҳсулотни экспорт қилган ва унинг ҳажми 4, 1 минг тоннани ташкил қилган.

Шунингдек, 2011 йилда БНҚИЗнинг мазут ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича бозордаги улуши 32, 1 фоизни, авиакеросин бўйича 17, 8 фоизни ва ёриштирилган керосин бўйича 6, 1 фоизни ташкил қилган.

2012 йилнинг 1-ярим йиллигида БНҚИЗнинг мазут ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича бозордаги улуши 26, 7 фоизни ва авиакеросин бўйича 25, 7 фоизни ташкил қилган.

1. Корхонада қувватлардан фойдаланиш муаммоси. Корхонанинг нефт ва газоконденсатни қайта ишлаш бўйича ўрнатилган қуввати бир йилга 2 550 минг тн. бўлиб, 2009 йилда 1 480, 5 минг тн. (58, 1 фоиз), 2010 йилда 1 542 минг тн. (60, 5 фоиз), 2011 йилда 1 497 минг тн. (58, 7 фоиз) нефт ва газоконденсат қайта ишланган. Корхона нефт хом-ашёси билан таъминланмаганлиги сабабли ўрнатилган қувватда фаолият кўрсатмасдан келмоқда.

Хозирги кунда нефть ва газоконденсат казиб чиқариш ҳажмлари камайиб бормоқда ва шуни ҳисобига республика эҳтиёжини нефть маҳсулотлари билан тўлиқ кондириш мақсадида нефтни Қозоғистон Республикасидан қисман импорт қилишга тўғри келмоқда. Бу эса, ўз навбатида республиканинг валюта захиралари камайишига олиб келмоқда.

2. БНҚИЗ Монополист корхоналар давлат реестрига киритилганлиги ва барча монопол нархларини Молия вазирлигида декларация қилишга мажбурлиги сабабли Корхона республикадаги ички истеъмолчиларга тасдиқланган нархларда сотиши лозим. Лекин, монополияга қарши қонунчиликка асосан монополист корхоналар экспортга эркин нархлар қўллаган ҳолда сотиши мумкин. Шунга кўра, корхона томонидан айрим ҳилдаги маҳсулотларни (дизел ёқилғиси) экспорта эркин нархларда валютага сотиб келмода. Бу эса ўз навбатида, корхонанинг импорддан олиб келинадиган ишлаб чиқаришда зарур бўлган хом-ашёларни харид қилиш муаммосини ечади.

Корхона томонидан ишлаб чиқарилаётган авиакеросин маҳсулотининг асосий истеъмолчиси “Ўзбекистон хаво йуллари” МАК ҳисобланади. Ушбу авиакомпания томонидан авиакеросин маҳсулотини нафақат ўз эҳтиёжи учун сарфлайди, балки БНҚИЗ ва ФНҚИЗдан сотиб олинган маҳсулотнинг маълум бир қисмини чет эл авиакомпанияларга валютага сотади, яъни экспорт қилади. Бунда, чет эл авиакомпанияларга сотилишда қўлланилаётган нархлар БНҚИЗдан сотиб олинган нархларга нисбатан икки бараваридан ортиқни ташкил қилади.

Аниқроқ қилиб айтганда, “Ўзбекистон ҳаво йуллари” МАК авиакеросин маҳсулотини чекланган нархда миллий валютада сотиб олиб, эркин (юқори) нархда чет эл валютага сотмоқда экспорт қилмоқда.

Юқоридагиларни инобатга олиб, БНҚИЗ “Ўзбекистон ҳаво йуллари” МАК томонидан экспорт учун харид қилинадиган ҳажмдаги авиакеросин учун эркин нархлар қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ечимларни баҳолаш ва энг маъқул ечимларни танлаб олиш

Ҳозирги кунда нефть ва газоконденсат казиб чиқариш ҳажмлари камайиб бораётганлиги сабабли Республика ҳукумати томонидан бир қанча геология-разведка ишларини олиб бориш йўналишида бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, замонавий усулларни, технологиялар ва асбоб-ускуналарни қўллаш ҳисобига геология-разведка ишлари самарадорлигини ошириш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида углеводород хом ашёнинг разведка қилинган заҳиралари ҳажмини кўпайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан 02. 04. 2008 йилдаги 59-сонли “Ўзбекистон Республикаси Бухоро-Хива минтақасининг Шарқий Култак-Шимолий Нишон-Қамаши инвестиция блоки доирасида нефть ва газ қидириш учун геология-разведка ишлари олиб бориш тўғрисида” қарор қабул қилинди.

Шунингдек, “Ўзбекнефтегаз” МХКси томонидан 2008 йилнинг феврал ойида Daewoo International компанияси билан 5 йил давомида иккита инвестицион блокларини ўрганиш бўйича битим тузилган. Ушбу давр ичида геология-қидирув ишларига жами 40 млн. АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритиш мўлжалланган бўлиб, шундан 27, 6 млн. АҚШ доллари биринчи 3 йиллик даврда киритилиши кўзда тутилган.

Бундан ташқари, “Ўзбекнефтегаз” МХКси томонидан жами 47та инвестицион блоклар тайёрланган бўлиб, шундан 26таси хорижий инвесторларга берилган.

“Ўзбекнефтегаз” МХКнинг қувватлари 70 млрд. м³ табиий газ ва 8 млн. тонна суюқ углеводородлар қазиб чиқаришни таъминлашга эгадир.

Ўзбекистонда 2012 йилнинг 1 январ ҳолати бўйича жами 228 та углеводород хом-ашёси конлари топилган. Ушбу топилган конлардан 50 фоизи бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда, 35 фоизи ўзлаштиришга тайёрланган ва қолганларда қидирув ишлари давом эттирилмоқда. Ушбу ишларни амалга ошириш ва чет эл инвестицияларни жалб қилиш мақсадида ҳукуматимиз томонидан яна бир қанча чет эл тажрибали компаниялари консорциуми - Корея Милий Нефт Корпорацияси (KNOC), Россия Федерациясининг Лукойл компанияси, Малайзиянинг Петронас ва Хитой халқ демократик Республикасининг CNPC компаниялари билан ҳамкорликда Орол денгизи бўйидагиконларда геология-қидирув ишлари йўлга қўйилмоқда. Келишув шартларига кўра, ҳар бир тараф барабар улушларга эгадирлар. Шунингдек, 2008 йилнинг 10 ноябрида Корея Милий Нефт Корпорацияси ва “Ўзбекнефтегаз” МХКси билан “Фарғона водийсида Наманган-Тергачи ва Чуст-Поп инвестицион блокларда геология-қидирув ишларини олиб бориш тўғрисида”ги келишув имзоланган. Бунда, Корея тарафидан ушбу блокларда 5 йил ичида иккита босқичлар асосида камида 60 млн. АҚШ долларлик геология-қидирув ишларини амалга ошириш мажбуриятини олган.

Ушбу иккита инвестицион блокларнинг режалаштирилган умумий захираси 280 млн. тонна миқдорида шартли ёқилгини ташкил этиди. Корея Милий Нефт Корпорацияси томонидан Ўзбекистонда 100 фоизлик корёя капиталидан иборат шуъба корхонасини ташкил қилиб, ушбу лойихаларни оператори сифатида иш олиб бориши режалаштирилган. Мазкур инвестицион блокларда янги конлар очилган тақдирда KNOC ва “Ўзбекнефтегаз” МХК томонидан уларни йўлга қўйиш мақсадида қўшма корхона очиш келишилган.

Бундан ташқари, ҳозирги пайтда Малайзиянинг “Petronas” компанияси Устюрт ва Сурхондарёдаги бир неча сармоявий блокларда

геология-разведка ишларини олиб бормоқда. “Petronas” Жанубий Африка Республикасининг фойдали қазилмаларни ўзлаштириш, дизель ёқилғиси ва суюлтирилган газ ишлаб чиқаришга ихтисослашган “Casol” компанияси билан ҳамкорликда Ўзбекистонда дизель ёқилғиси, авиакеросин ва суюлтирилган газ ишлаб чиқариш учун синтетик ёқилғи заводи қуриш бўйича йирик лойиҳада иштирок этмоқда. Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда фаолият юритаётган нефтни қайта ишлаш заводларининг ишлаб чиқариш қувватлари республиканинг ички эҳтиёжни тўлиқ қондириш, шу билан бирга маҳсулотни экспортга йўналтириш имкониятига эга. Ҳукуматимиз томонидан юқорида таъкидлаб ўтилган лойиҳаларни амалга ошириш натижасида нефтни қайта ишлаш заводларимизнинг ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш кўрсаткичлари янада ошишига, республика истеъмолчиларининг барча турдаги нефть маҳсулотларига бўлган эҳтиёжлари қондирилишига, ҳамда экспорт ҳажми тубдан ошишига олиб келади.

III-БОБ. МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

1. Макроиқтисодий барқарорликка эришишда саноат корхоналари рақобатбардошлигини ошириш.

Иқтисодиётни ислоҳ қилиш борасида қабул қилинган “Ўзбек модели”нинг илмий асосланганлиги ва ҳаётийлиги мамлакатимизда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсирига қарамасдан юқори иқтисодий ўсиш суръатлари ва макроиқтисодий барқарорликни таъминланиб келинаётганлигида яна бир бор ўз тасдиғини топди.

Макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсишни ифодаловчи кўрсаткичлар динамикасида эришилган ижобий тенденциялар ислохотлар стратегиясининг муваффақиятини, иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни ривожлантиришнинг устувор йўналишларида эришилган муваффақиятни мужассамлашган ҳолда ўзида акс эттиради.

Юқори иқтисодий ўсиш суръатлари ва макроиқтисодий барқарорликнинг таъминланиши ватанимиз иқтисодий салоҳиятининг ортишига, йирик ижтимоий дастурларни амалга оширишга имконият яратмоқда.

Юртимизда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш борасида ҳам ижобий ютуқларга эришилди. Макроиқтисодий барқарорликни таъминланиши мамлакатимизда бизнес юритиш, аҳоли даромадларини ўсиши учун қулай шарт-шароит яратиш имконини бермоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов таъкидлаганларидек “Макроиқтисодий барқарорлик биз учун қуруқ мақсад эмас. Бу нарса иқтисодиётни жонлантириш ва унинг таркибиниянгилаш, инвестиция фаолиятини жадаллаштириш, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, аҳолининг реал даромадларини ошириш учун тегишли шарт-

шароит яратишнинг ҳаётий зарур босқичи сифатида муҳимдир”¹⁶ Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг устувор вазифаларини амалга ошириш натижасида 2012 йилда Ўзбекистон Республикасида реал ЯИМ ишлаб чиқариш ҳажмининг олдинги йилга нисбатан ўсиши 108, 2 фоизни ташкил этиши, яъни барқарор юқори даражада сақланиб қолди.

3-жадвал

Ўзбекистон Республикасини 2012 йилда ривожланишнинг кўрсаткичлари¹⁷ (олдинги йилга нисбатан % да)

Кўрсаткичлар	2011 й.	2012 й.
Реал ялпи ички маҳсулот(ЯИМ)	108, 3	108, 2
Саноат маҳсулоти ҳажми	106, 3	108, 6
Қишлоқ хўжалик маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми	106, 6	105, 8
Капитал қўйилмалар ҳажми	107, 9	109, 3
Чакана савдо айланмаси ҳажми	116, 4	113, 4
Истеъмол нархлари индекси(2011 йил декабрига нисбатан % да)	107, 6	107-109
Давлат бюджети камомоди(ЯИМга нисбатан %да)	+0, 2	-1, 0
Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси (йиллик %)	12	12

2012 йилда саноат ишлаб чиқаришининг юқори суръатда ўсиши саноат маҳсулоти ҳажмининг 25, 2 млрд. АҚШ долларига тенг бўлган миқдорга етиши, яъни 2004 йилдагига нисбатан қарийиб 3, 2 мартага ошишига олиб келди. Натижада саноат ишлаб чиқаришининг ЯИМдаги улуши 24, 4 фоизга етиши таъминланди.

2012 йилда саноатни ривожланиши асосий омиллари қуйидагилар :

- қурилиш материаллари индустриясини ривожлантириш;
- саноатни ривожлантиришда банк кредитлари таъсирчанлигини ошириш;

¹⁶Каримов И. А. Ўзбекистон иқтисодий ислохатларни чуқурлаштириш йўлида. -Т. : Ўзбекистон, 1995.

¹⁷Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

– саноатни ривожлантиришда қўшма корхоналарнинг улушини ошириш;

– маҳаллий хомашёни қайта ишлаш;

– маҳаллийлаштириш дастури ва Халқаро саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси доирасида яратилган имтиёз ва преференциялардан кенг фойдаланиш;

– ишлаб чиқарилган маҳсулотлар экспорти кўламини кенгайтириш, кичик корхоналар маҳсулотларини экспортга йўналтиришга кўмаклашиш.

2012 йилда саноат тармоқларининг ривожланиши Ўзбекистон Республикаси Президентининг қуйида келтирилган қарорларининг бажарилиши билан чамбарчас боғлиқ:

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 15 декабрдаги 1442-сонли "2011-2015 йилларда саноатни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида"ги қарори;

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 4 октябрдаги 1623-сонли «Янги турдаги рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ўзлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори;

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 27 декабрдаги 1668-сонли «2012 йилги инвестиция дастури тўғрисида"ги қарори;

– 2011-2015 йилларда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш Дастури ва бошқалар.

Капитал қуйилмалар ҳажмининг 109, 3 фоизга ўсиши иқтисодий ўсишнинг 2012-йил ва ундан кейинги йилларда ҳам барқарор юқори бўлиши омили бўлади. 2012-йилда асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг ЯИМдаги улуши 24, 5 %га етишига эришилди.

**Ўзбекистон Республикаси саноатида ишлаб чиқаришининг
динамикаси¹⁸.**



Мамлакатимиз иқтисодиётига 2012 йилда 2011 йилга нисбатан 16 фоизга кўп, яъни 3,3 миллиард доллардан ошқроқ хорижий инвестициялар ва кредитлар жалб этилади. Бу маблағларнинг 70 фоиздан кўпроққисми, яъни 2,3 миллиард ортиғи ҳукумат кафолати олинмасдан кирилатган тўғридан-тўғри инвестициялардир.

Агар 2012 йилда мамлакатимизда ишлаб чиқарилган ЯИМ ҳажми 61831,2 млрд. сўмни ташкил этганини ҳисобга олсак, 2000 йилга нисбатан солиқ юки 7,1 фоизга пасайиши натижасида 4390 млрд. сўмдан ортиқ маблағ хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳоли тасарруфига қолдирилди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг ҳозирги босқичида кўплаб мамлакатлар давлат бюджети тақчиллиги ва давлат қарзининг ўсиши муаммосини бошидан кечираётган бир пайтда 2012 йилда ҳам мамлакатимиз давлат бюджети профицити билан якунланди.

¹⁸Статистика қўмитаси маълумотлари

2012 йилда давлат бюджети тақчиллиги ЯИМга нисбан 1 % этиб белгиланди, Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси 12 % даражасида қолдирилди.

Ташқи савдо балансида муттасил ижобий сальдога эришиш мамлакатимиз олтин-валюта захираларининг ортишига ва миллий валютаимиз барқарорлигининг таъминланишига олиб келди, хорижий валюта талаб этадиган йирик инвестиция дастурларини молиялаштириш имкониятларини кенгайтди. Хусусан, инвестиция дастурларини молиялаштириш даражаси ўсиб бораётган Ўзбекистон учун Европа ва Осиё Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси капиталининг 2012 йил бошига келиб 9 миллиард доллардан ошиб кетишида ташқи савдода ижобий сальдога эришилаётганлигидан далолат беради.


Мамлакатимиз иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш, экспортнинг товар таркибини диверсификациялаш борасида изчиллик билан амалга оширилган чора-тадбирлар самараси ташқи савдо, хусусан экспорт ҳажмининг ошиши ва унинг товар таркибида ижобий силжишлар рўй берганида ўз аксини топди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози сабабли ташқи бозорда мамлакатимиз корхоналари экспорт қиладиган асосий маҳсулотларга талаб камайганлигига қарамасдан 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чора-тадбирлар Дастурига кўра экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилган ишлар натижасида кейинги йилларда мамлакатимиз экспорт ҳажми барқарор ўсиб бормоқда. 2012 йилда “Экспорт таркибида тайёр маҳсулотлар улуши 60 фоизни ташкил этди, холбуки 2000 йилда бу кўрсаткич қарийб 46 фоизни ташкил этган эди”¹⁹

¹⁹Каримов И. А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. /Халқ сўзи, 2012 й..

5-диаграмма

Ўзбекистон Республикаси ташқи савдоси кўрсаткичлари²⁰ (млн. АҚШ долл.)



Жаҳон бозорларидаги беқарорлик шароитида мамлакатни барқарор ривожлантириш вазифасини ҳал этишда иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъминлаш масаласи устувор аҳамият касб этади.

Маълумки иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги турли шаклларда ва даражаларда намоён бўлади. Булар:

- мамлакат корхоналари ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлиги;
- мамлакат корхоналарининг рақобатбардошлиги;
- мамлакт иқтисодиёти тармоқларининг рақобатбардошлиги;
- миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги;

²⁰Статистика қўмитаси маълумотлари

– мамлакатнинг рақобатбардошлиги.

Айрим мутахассислар рақобатбардошликнинг келтирилган охириги икки шаклини бирлаштириб таърифлайдилар, ҳамда бу таснифга ходимларнинг рақобатбардошлигини ҳам қўшадилар.

Корхоналарнинг рақобат устунликларини бир қатор омиллар белгилаб беради. Буларни икки гуруҳга ажратиш мумкин:

- 1) миллий компанияларнинг ривожланиш даражаси;
- 2) макроиктисодий бизнес муҳитнинг сифати²¹.

Миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлилиги ҳалол рақобат шароитида жаҳон бозори талабларини қондирувчи, иқтисодий ўсиш ва турмуш сифатини оширишни таъминлайдиган товарларни ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш, ҳамдаўрта ва узоқ муддатга иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини таъминлаб туриш қобилиятидир.

Рақобатбардош ҳамкор тармоқларнинг мавжудлиги мураккаб маҳсулотларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, қиммат ресурсларни мамлакат ичидан топиш, маҳсулот етказиб берувчилар фаолиятини мувофиқлаштириш, янгиликларни жорий қилишга кўмаклашиш имконини беради.

Шу сабабли ҳукуматнинг мамлакат ичида эркин рақобат муҳитини яратиш, монополлашувга қарши курашиш каби чора-тадбирлари муҳим аҳамиятга эга.

Ҳукумат миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ҳар тўрт унсурга таъсир кўрсатиш орқали шакллантиради ва ўзгартиради.

Демак, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлик даражаси унинг табиий ресурс салоҳияти, меҳнат ресурсларининг сони ва сифати малака даражаси, ишлаб чиқаришнинг техник-технологик модернизациялашганлик даражаси, иқтисодиёт таркибий тузилишининг такомиллашганлиги ва диверсификациялашганлиги, бизнес юритиш

²¹Ўзбекистон иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш муаммолари: назария ва амалиёт/ муаллифлар жамоаси: Р. О. Алимов, А. Ф. Расулев, А. М. Қодиров ва бошқ. –Т. :Konsauditinform-Nashr. 2006,

учуняратилган шарт шароитларнинг қулайлиги, мамлакат корхоналарида ишлаб чиқариладиган маҳсулотларга бўлган талаб ҳажми, давлатнинг иқтисодий ривожланиш ҳамда ислохотлар стратегияси қай даражада илмий асосланганлиги ва ўзгаришлар жараёнларини ҳисобга олганлиги ҳамда бошқа бир қанча омилларга боғлиқ деб хулоса қилиш мумкин.

“Замонавий рақобат курашида сўз, биринчи навбатда, ресурслар, моддий бойликларга эгалик тўғрисида эмас, балки янгиликларни жорий эта олиш қобилияти тўғрисида боради”.²²

Янги маҳсулот турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, замонавий технологик ускуналар ва технологияларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқаришнинг илғор усуллари амалиётга киритиш, янги бозорларга кириб бориш орқалигина глобал ўзгаришлар шароитида рақобатбардошликни таъминлаб туриш мумкин.

Республикамизда иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъминлаш учун комплексчора-тадбирларамалга оширилди. Аввало ёқилғи энергетика саноатини ривожлантириш орқали энергетика мустақиллигига эришилди. Энергетика ва кейинчалик дон мустақиллигига эришиш иқтисодиётимизнинг ташқи таъсирларга бардошлилиги даражасини оширди. Мамлакатимиз учун янги бўлган автомобилсизлик саноатининг барпо қилинишибу тармоқ билан кооперация асосида ишловчи ўнлаб корхоналарнинг ташкил этилишига олиб келмоқда. Биргина ўтган 2012 йилда 221 минг 400та енгил автомобил, 964 та автобус ишлаб чиқарилди. Юртимизда ишлаб чиқарилаётган автомобилларнинг хорижий мамлакатлар бозорларида рақобатбардошлиги уларни экспорт қилиш кўлами кенгайишига асос бўлди.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш борасида инновацион технологияларни, замонавий илмий ютуқларни

²²Ўзбекистон:жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, инновацион тараққиёт ва миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш /ЎзР ФАИқтисодиёт институти; А. Ф. Расулевнинг таҳрири остида, - Т.:KONSAUDITINFORM-NASHR, 2011..

саноат тармоқларига жадал жорий қилиш орқали жаҳон хўжалиги тизимида миллий иқтисодиётнинг ихтисослашувини кенгайтириш васаноат ишлаб чиқариши таркибини диверсификация қилишимконини берадиган янги рақобат устунликларини яратиш зарур.


2008 йилда бошланган глобал молиявий-иқтисодий инқирознинг жаҳон иқтисодиётига таъсири давом этаётган бир шароитда хомашё ва тайёр маҳсулотларга бўлган талабнинг давомли пасайиши корхоналар, мамлакатлар ўртасидаги рақобат кураши барчамаҳсулотлар, айниқса тайёр маҳсулотлар бозорларида кучайиб боришини келтириб чиқармоқда.

Мамлакат иқтисодиётини изчил равишда ислоҳ қилиш, таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва диверсификация қилишни чуқурлаштириш, юқори технологияларга асосланган янги корхона ва ишлаб чиқариш тармоқларининг жадал ривожланишини таъминлаш, фаолият кўрсатаётган кувватларни модернизация қилиш ва техник янгилаш жараёнларини тезлаштириш орқалигина таъминланиши мумкинлигини илғор давлатлар тажрибаси кўрсатиб турганлиги Президентимиз маърузасида алоҳида қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 4 октябрдаги 1623-сонли «Янги турдаги рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ўзлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган биринчи навбатдаги дастурига мувофиқ, 2012-2016 йилларда ҳисоб-китоблар бўйича қиймати 6 миллиард 200 миллион доллар бўлган 270 дан зиёд инвестиция лойиҳасини, шунингдек, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича тармоқ дастурларини амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

6-диаграмма

Ўзбекистон Республикаси саноатини 2015 йилга қадар ривожлантиришнинг мақсадли параметрлари²³.



Ушбу лойиҳаларнинг аксарияти Маҳаллийлаштириш дастурига киритилган бўлиб, дастурга киритилган корхоналарга бериладиган имтиёزلардан фойдаланади. Автомобилсозлик саноати маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг кўпайиши, ўзига хос кластерларнинг юзага келиши, бутловчи қисмлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштирилиши тайёрланаётган автомобиллар нархининг барқарорлигини, уларнинг ташқи бозорлардаги рақобатбардошлигини таъминлашда муҳим роль ўйнайди.

Кабель ўтказгичлар ишлаб чиқаришини кенгайтириш ва техник модернизация қилиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш бўйича

²³Ўзбекистон Республикаси Президентининг 15. 12. 2010 й. № ПҚ-1442 сонли «2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида» ги қарори.

“Андижонкабель” ОАЖ ҚҚда амалга оширилиши мўлжалланган 5 та лойиха, “Узкабель” ОАЖ билан ташкил этилиши мўлжалланаётган қўшма корхона негизидайилига 6 минг км. кучланиш кабеллари ишлаб чиқаришни ташкил қилиш бўйича 2012-2013 йилларда амалга ошириладиган, умумий қиймати 23, 4 млн. доллрга тенг бўлган лойихава бошқа бир қатор лойихалар рақобатбардош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмларини янада кенгайтиради.

Йилига 1 млрд. кв. м. керамик плиталар ишлаб чиқариш, 5 млн. кв. м. юмшоқ тўшама материаллар, 200 минг куб. м. газобетон ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича лойихалар якунига етказилмоқди.

“Ўзбекенгилсаноат” ДАК тизимида 2012 йилда 150, 07 млн. долларлик инвестициялар, шу жумладан 87, 57 млн. долларлик тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўзлаштирилди. Бу инвестициялар янги қувватларни ишга тушириш ва мавжудларини модернизация қилиш ҳисобига тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш имконини берди.

Фонднинг низом жамғармасини 5 миллиард доллардан 2014 йилга қадар босқичма-босқич 10 миллиард долларга етказиш бўйича қабулқилинган қарор ижроси натижасида 2012 йил бошига келиб унинг миқдори 9 миллиард доллардан ошиб кетди.

Инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун 2009 йилда 245, 5 млн. доллар, 2010 йилда эса 330 млн. долларлик жамғарма маблағлари ўзлаштирилди. “2012 йилда Жамғарма маблағлари ҳисобидан саноат ва ишлаб чиқариш инфратузилмасининг етакчи тармоқларида 758 миллион доллардан зиёд ҳажмдаги 29 та стратегик инвестиция лойиҳасини амалга оширилди, бу ўтган йилга нисбатан 38, 2 фоизга кўп демакдир”.²⁴ Республикамиздаги корхоналарнинг технологик ускуналари ва

²⁴Бош мақсадимиз- кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2012-йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.- Тошкент, 18.01.2013 й.

технологиялари ҳолатига 2012 йилда ўтказилган ва 476 корхонадаги ишлаб чиқарилганига 10 йилдан кўп муддат ўтган 114 минг технологик ускуна камраб олинган техника ҳолатига аудит аниқлик киритди.

- корхоналарда мавжудасбоб-ускуналар ҳамда технологияларнинг салмоқли миқдори жисмонан ёки маънавий жиҳатдан эскирганлиги;

- ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг материал ва энергия сарфи юқори даражада эканлиги;

- ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини бошқариш тизимини жорий этиш, маҳсулотларнинг халқаро стандартларга мослигини таъминлаш масаласи барча корхоналарда тўлиқ ҳал этилмаганлиги;

- ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси қониқарли эмаслиги таъкидланди.

Мамлакатимиз раҳбари ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг материал ва энергия сарфи юқоридаражада сақланиб қолаётганлигига эътибор қаратдилар.

Айни пайтда мамлакатимизда ишлаб чиқарилган 1 долларлик ЯИМга тўғри келадиган истеъмол қилинган энергоресурслар ва хомашё материаллари миқдори ривожланган давлатлардаги шундай кўрсаткичдан анча юқоридир.

Мамлакатимиз корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш орқали миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини даражасини кўтаришга салбий таъсир кўрсатаётган, юқорида санаб ўтилган камчиликларни бартараф этиш учун Вазирлар Маҳкамаси олдида бир қатор масалаларни ҳал этиш вазифаси қўйилди.

2. Ўзбекистонда монополияга қарши сиёсатни объектив зарурлиги ва иқтисодий моҳияти.

Жаҳон иқтисодиётида кузатилаётган ўзгаришлар ва турли салбий тенденциялар вужудга келган даврда Президентимиз И. А. Каримов

Ўзининг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асарларида биринчилардан бўлиб ушбу жараёнларнинг тизимли асосда юзага келишини асослаб берди. Бу борада дунёдаги таниқли иқтисодчилар, нуфузли эксперт ва мутахассисларнинг баҳолари ва чиқараётган хулосалари принципиал жиҳатдан ягона бир фикрга келаётганлиги, жумладан, жаҳон иқтисодиётига, биринчи навбатда, ривожланган йирик мамлакатлар иқтисодиётига 2008йилда бошланган глобал молиявий-иқтисодий инқироз ҳали-бери салбий таъсир кўрсатаётганлиги таъкидланди.

Президентимиз И. А. Каримов ўзининг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асарларида биринчилардан бўлиб ушбу жараёнларнинг тизимли асосда юзага келишини қуйидаги тарзда асослаб бердилар: “Бу инқироз Америка Қўшма Штатларида ипотекали кредитлаш тизимида рўй берган танглик ҳолатидан бошланди. Сўнгра бу жараённинг миқёси кенгайиб, йирик банклар ва молиявий тузилмаларнинг ликвидлик, яъни тўлов қобилияти заифлашиб, молиявий инқирозга айланиб кетди. Дунёнинг етакчи фонд бозорларида энг йирик компаниялар индекслари ва акцияларининг бозор қиймати ҳалокатли даражада тушиб кетишига олиб келди. Буларнинг барчаси, ўз навбатида, кўплаб мамлакатларда ишлаб чиқариш ва иқтисодий ўсиш суръатларининг кескин пасайиб кетиши билан боғлиқ ишсизлик ва бошқа салбий оқибатларни келтириб чиқарди»²⁵. Президентимиз инқироз рўй беришининг дастлабки палласидаёқ унинг таъсир даражаси, кўлами ва келтириб чиқариши мумкин бўлган салбий оқибатларига етарли баҳо бериб, “жаҳон молиявий инқирозидан имкон қадар тез чиқиш, унинг оқибатларини енгиллаштириш кўп жиҳатдан ҳар қайси давлат доирасида ва умуман, дунё ҳамжамияти миқёсида қабул

²⁵Каримов И. А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т. : Ўзбекистон, 2009,.

қилинаётган чора тадбирларнинг қанчалик самарадорлигига, уларнинг бир-бири билан уйғунлигига боғлиқ”²⁶, деб таъкидлайдилар ваушбу хулосага биноан, Ўзбекистонда 2008 йилнинг ўзидаёқ Инқирозга қарши чоралар дастури ишлаб чиқилиб, унда белгиланган тадбирлар изчил равишда амалга оширилди.

Ўзларининг навбатдаги маърузаларида ҳам давлатимиз раҳбари “саккизлик” ва “йигирмалик” деб аталган мамлакатлар гуруҳлари доирасида қабул қилинаётган қарорларга қарамасдан, энг аввало, жаҳон молия-валюта тизимида инқироз келтириб чиқараётган муаммоларни ҳал этиш ва керакли назорат ўрнатиш бўйича ягона иқтисодий модель ҳанузгача ишлаб чиқилмаганлигини, бу эса жаҳон иқтисодиётида ҳал қилувчи ўрин тутадиган йирик давлатларни ўз манфаатларини ўйлаб, ўз билганича ҳаракат қилишга мажбур этаётганлигини қаттиқ танқид қилиш мумкин. Ўтган давр мобайнида аҳволни яхшилаш мақсадида кўрилаётган барча чора-тадбирларга қарамасдан, аксарият давлатларда ўсиш суръатлари ва ишлаб чиқаришнинг амалда пасайиши кузатилаётганлиги ва бундай жараён давом этадиган бўлса, у глобал миқёсда рецессия ҳолатига, яъни иқтисодиётнинг ўсиш ўрнига давомли равишда пасайиб боришига олиб келиши мумкинлиги башорат қилинаётганлигини билдирдилар.

Президентимиз жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози билан боғлиқ халқаро майдондаги ўзгаришлар ва турли салбий тенденцияларга баҳо берар эканлар, мазкур жараёнларнинг ўтган давр мобайнида мамлакатимиз иқтисодиётининг ривожланиш кўрсаткичларига таъсир кўрсатмасдан қолмаганлиги ва Ўзбекистон иқтисодиётининг 2012 йилга мўлжалланган ўсиш суръатлари ва самарадорлигини таъминлашда катта қийинчиликлар туғдириши мумкинлигини ташвишланарли ҳол сифатида таъкидлаб ўтдилар.

²⁶Ўзбекистон Республикаси Президентининг 15. 12. 2010 й. № ПК-1442 сонли «2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида» ги қарори.

Барчамизга маълумки, мазкур жараёнларнинг таъсир жараёнларини реал баҳолаган ҳолда мамлакатимиз раҳбари инқирознинг дастлабки палласидаёқ тобора чуқурлашиб бораётган жаҳон молиявий инқирози мамлакатимизга таъсир кўрсатмайди, бизни четлаб ўтади, деган хулоса чиқармаслик керак. Масалани бундай тушуниш ўта соддалик, айтиш мумкинки, кечириб бўлмас хато бўлур эди. Барчамиз бир ҳақиқатни англаб етишимиз лозим – Ўзбекистон бугун халқаро ҳамжамиятнинг ва глобал молиявий-иқтисодий бозорнинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади²⁷, дея ўзларининг қатъий фикрларини билдирган ҳамда инқирознинг мамлакатимиз иқтисодиётига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган йўналишларини олдиндан кўрсатиб берган эдилар.

Ўз маърузаларида Президентимиз биринчи навбатда, дунё бозорида хом ашё ва тайёр маҳсулотга эҳтиёжнинг тобора пасайиб боришини ҳисобга оладиган бўлсак, бундай ҳолат мамлакатимизнинг экспорт салоҳияти ва валюта тушумига салбий таъсир кўрсатмасдан қолмаслигини кўрсатиб ўтдилар.

Бу эсакейинги йилларда жаҳон иқтисодиётида кузатилаётган ўзгаришлар ва турли салбий тенденцияларга, шунингдек, ўзимиздаги мавжуд айрим мураккаблик ва қийинчиликларга қарамасдан, халқимизнинг фидокорона меҳнати эвазига 2012 йилда ҳам ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг турли жабҳаларида катта ютуқларга эришиш имконини берди.

2011 йилнинг 2-15 ноябрида Халқаро Валюта Жамғармасининг Яқин Шарқ ва Марказий Осиё мамлакатлари департаменти бўлим бошлиғи ўринбосари Вероника Бакалу хоним раҳбарлигидаги миссияси Тошкент шаҳрида бўлди. Халқаро валюта жамғармасининг кейинги баҳолаш миссияси баёнотида жумладан бундай дейилади:

²⁷Каримов И. А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т. : Ўзбекистон, 2009,

“Ўзбекистон жадал ўсишга эришди ва глобал молиявий инқирозга қарши самарали чоралар кўрди. Кейинги беш йилда Ўзбекистонда ўсиш суръатлари ўртача 8,2 фоизни ташкил этди ва бу Марказий Осиёдаги ўртача ўсиш кўрсаткичидан юқоридир. Қатор йиллар давомида кузатилган бюджет профицити, расмий заҳиралар даражасининг юқорилиги, давлат қарзининг камлиги, барқарор банк тизими ва халқаро молия бозорларидан қарз олишга эҳтиёткорлик билан ёндашиш мамлакатни глобал инқирознинг бевосита оқибатларидан ҳимоя қилди. Таъкидлаш жоизки, ўтган йили мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати, кутилганидек, амалда 8,3 фоизни ташкил этди, 2000-2012 йиллар мобайнида ялпи ички маҳсулот ҳажми 2,1 баробар ошди. Мазкур кўрсаткич бўйича Ўзбекистон дунёнинг иқтисодиёти жадал ривожланаётган мамлакатлари қаторидан жой олди.

Бугунги кунда иқтисодиётимизнинг локомотивига айланган машинасозлик ва автомобилсозлик (12,2 фоиз), кимё ва нефть-кимё саноати (9,4 фоиз), озиқ-овқат саноати (13,1 фоиз), қурилиш материаллари саноати (11,9 фоиз), фармацевтика ва мебелсозлик (18 фоиз) 2011 йилда жадал суръатлар билан ривожланди. Умумий ҳолда саноат тармоқлари ишлаб чиқариш суръатларининг ўсишини 1990 йил даражасига таққослайдиган бўлсак, 2012 йилда бу кўрсаткичлар бир неча марта ўсганлигини кўришимиз мумкин

4-жадвал

Саноат тармоқлари ишлаб чиқариш суръатларининг ўсиши²⁸, фоиз (1990=100 фоиз)

Кўрсаткичлар	1990 йил	2000 йил	2012 йил
Саноат – жами	100	123, 6	3, 2 марта
Ёқилғи саноати	100	127, 3	2, 2 марта
Қора металлургия	100	58, 8	1, 6 марта
Рангли металлургия	100	107, 4	116, 1
Кимё ва нефть-кимё саноати	100	97, 5	3, 1 марта
Машинасозлик ва металлни қайта	100	142, 2	13 марта

²⁸ Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари

4-жадвал давоми

ишлаш саноати			
Қурилиш материаллари саноати	100	58, 4	1, 5 марта
Енгил саноат	100	159, 2	4 марта
Озиқ-овқат саноати	100	150	6, 4 марта
Бошқа соҳалар	100	162, 6	6, 2 марта

Жадвалдан кўринадикки, мустақиллик йилларида мамлакатимиздаги саноат тармоқлари ишлаб чиқариш суръатлари 3, 2 марта ўсган.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари иқтисодиёт ривожланишининг бугунги босқичида монополизм кўринишларига қарши кураш ва амалда рақобат муҳитини шакллантириш масалалари ғоят муҳим аҳамиятга эга. И. Каримов.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида монополияга қарши сиёсатни объектив зарурлиги ва иқтисодий моҳиятида юртимизда қатор ишлар олиб борилмоқда хусусан, Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Монополияга қарши сиёсатни объектив зарурлиги ва иқтисодий моҳияти маркази рақобат, табиий монополиялар, банкротлик, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонунчилик соҳасидаги тадқиқотларнинг амалий йўналтирилганлигини кучайтириш ва норматив-ҳуқуқий базани ривожлантириш, мутахассисларнинг рақобат муҳитини ривожлантиришнинг халқаро амалиёти соҳасидаги билим даражасини ошириш, монополияга қарши сиёсат соҳасида кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг замонавий тизимини яратиш мақсадида ташкил этилган. Марказ ўзининг фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси қарорлари ва буйруқлари

ҳамда мазкур Низомга амал қилади. Марказ қуйидаги тўлиқ ва қисқа номларга эга.

Тўлиқ номи - Ўзбекистон Республикаси хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Монополияга қарши сиёсатни такомиллаштириш маркази, қисқа номи - Монополияга қарши сиёсатни такомиллаштириш маркази.

Марказ асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари ҳисобланади:

Республика иқтисодиёти тармоқларида рақобатни ривожлантириш жараёнларини, шунингдек хорижий мамлакатлардаги монополияга қарши фаолиятни тартибга солиш ва рақобат сиёсати амалиётини таҳлил қилиш рақобат, табиий монополиялар, банкротлик, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларини объектив зарурлиги ва иқтисодий моҳияти бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, иқтисодиёт тармоқларини бошқариш тизимини таркибий ўзгартириш жараёнларини ўрганиш ҳамда хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганган ҳолда уларни такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш.

Иқтисодиётда соғлом рақобат муҳитини шакллантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, табиий монополиялар ва базавий тармоқлар соҳасида бозор қайта ўзгартириш жараёнларини тадқиқ этиш.

Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш, рақобатни тармоқ ва ҳудудий дастурлари лойиҳалари бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, республика аҳолисини ва халқаро жамоатчиликни республика иқтисодиёти тармоқларида Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш жараёнлари тўғрисида оммавий ахборот воситалари ва Интернет тармоғи орқали кенг хабардор қилиш, республика монополияга қарши органлари ва суд сиёсатчилари кадрлари малакасини ошириш, тайёрлаш ва уларни қайта тайёрлаш бўйича методик қўлланмалар ишлаб чиқиш ва курслар ташкил этиш, рақобатни ривожлантириш, табиий монополиялар соҳасини тартибга солиш, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бозорини

тартибга солиш, таркибий ўзгартириш ва молиявий соғломлаштириш, шунингдек банкротлик масалаларини таъминлашнинг ҳуқуқий ва институционал асосларини такомиллаштириш соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш учун халқаро молия ташкилотлари ва бошқа ташкилотларнинг грантларини жалб этиш. Марказ асосий вазифалар ва фаолият йўналишларига мувофиқ ҳолда Монополияга қарши сиёсатни, банкротлик, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ўрганиш ва такомиллаштириш соҳасида илмий-тадқиқот ишларини бажаради, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлайди ва экспертизадан ўтказди;

Халқаро ташкилотларни жалб этган ҳолда, семинарлар, конференциялар, симпозиумлар ва бошқа тадбирларни ташкил этади ва ўтказди;

Юридик ва жисмоний шахслар ўртасида анкета ва бошқа ижтимоий сўровлар ташкил этади ва ўтказди;

Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, илмий-тадқиқот институтлари, вазирликлар, идоралар, республика ташкилотлари ва муассасалари билан биргаликда прогноз ҳужжатларни ҳамда мақсадли дастурларни ишлаб чиқишда қатнашади;

Республика ва хорижий мамлакатлар илмий-тадқиқот ташкилотлари билан илмий ҳамкорлик қилади, республика ва халқаро лойиҳаларда иштирок этади;

Малака ошириш курсларини, шу жумладан давлат монополияга қарши органи ходимлари учун малака ошириш курсларини ўтказди, шунингдек суд сиёсатчиларини тайёрлаш курсларини ташкил этади, давлат органлари ва бошқа чет ташкилотлар буюртмалари бўйича тахлилий обзорлар ва тадқиқотлар ўтказди;

Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси учун унинг фаолиятини такомиллаштириш бўйича тавсияномалар тайёрлайди.

Марказ ўзига юкланган вазифаларни бажариш мақсадида уйдаги ҳуқуқларга эга.

Ўз фаолиятини амалга ошириш учун халқаро ташкилотларнинг, жамоат ва илмий жамғармаларнинг маблағларини, ихтиёрий бадаллар ва грантларни жалб этиш;

Мулкчилик шаклларида қатъий назар, республика корхоналари ва ташкилотларидан статистик, илмий ёки бошқа ахборотлар ва ҳужжатларни белгиланган тартибда олиш;

Тадқиқотлар ва социологик сўровлар ўтказиш ҳамда ижтимоий-иқтисодий тадқиқотларга контракт асосида давлат сиёсат органлари мутахассисларини, илмий-тадқиқот институтлари ва марказлар ходимларини, шунингдек хорижий олимлар ва мутахассисларни жалб этиш, вақтинчалик ишчи гуруҳлар ва жамоаларни шакллантириш;

Ноширлик фаолиятини амалга ошириш, Марказ ишлари соҳаси бўйича маълумотномалар, обзорлар ва бошқа ахборот материалларини чоп этиш ва уларни тарқатиш;

Жисмоний ва юридик шахсларга консалтинг хизматлари кўрсатиш, маркетинг ва социологик тадқиқотлар ўтказиш. Монополияга қарши сиёсатни объектив зарурлиги ва иқтисодий моҳиятимаркази томондан иқтисодиётимизни ривожлантиришда қатор дастурлар ишлаб чиқадилар ва амалга оширадилар.

Бозор иқтисодиёти, ўзининг етуқлик даражаси ва ривожланиш хусусиятларидан қатъий назар рақобатнинг мавжуд бўлишини тақозо қилади. Шу билан бирга бозор иқтисодиёти ривожланиб бориши билан рақоботчилик муносабатлари ҳам такомиллашиб, ўз шаклларида ўзгартириб боради.

Иқтисодиётда бозор механизмининг самарали амал қилиши ва рақобат муҳитининг таъминланиши монополиялар, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва амал қилиш хусусиятларини кўриб чиқишни тақозо этади. Ўзбекистон Республикасида монополияга қарши сиёсатни амалга ошириш, мамлакатда соғлом рақобат муҳитини яратиш, ишлаб чиқариш корхоналарининг самарадорлигини ошириш, замонавий ишлаб чиқариш тизимини шакллантириш мамлакат иқтисодий ўсишининг асосий омилларидан биридир. Бунинг замирида иқтисодиёт тармоқларини жадал модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, молиявий соғломлаштириш билан бир қаторда, мамлакат ижтимоий тараққиётини янги, юксак босқичга кўтариш Ўзбекистон иқтисодиётини барқарор суръатлар билан ривожланишини, дунё бозоридаги ўз позициясини мустаҳкамлаши, аҳоли турмуш даражасини изчил юксалтиришни таъминланади. Ўзбекистон иқтисодиётининг реал секторида монополияга қарши сиёсатни олиб бориш, саноат корхоналари ўртасида соғлом рақобат муҳитини яратиш, монополияга қарши сиёсатни объектив зарурлиги ва иқтисодий моҳияти ва хусусиятларини ўрганиш асосида яқин келажакда монополь корхоналарни янада қисқартишга эришиш мумкин. Давлатимиз томонидан амалга оширилаётган кенг кўламдаги амалий ишлар замирида Ўзбекистон миллий иқтисодиёти равнақи дунё ҳамжамияти томонидан эътироф этилмоқда. Миллий иқтисодиётни ривожлантириш, барқарор ўсишни таъминлаш, аҳолини ижтимоий муҳофазасига қаратилган сиёсатни такомиллаштириш, яъни бандликни таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, янги иш жойларини барпо этиш, жаҳон стандартларига мос сифатли, ички ва ташқи бозорга мўлжалланган товар ва маҳсулотлар бозорини кенгайтиришга эришилмоқда.

Хулоса

Ҳозирги кунга келиб миллий иқтисодиётни рақобатбардош ва жаҳон бозорларига экспорт қилинадиган товарлар салмоғини ошириш ва макроиқтисодий жараёни янада яхшилаш инфляцияни олдини олиш, миллий валюта сўмнинг барқарорлигини яхшилаш иқтисодиётни янада ривожлантириш товарлар ассортиментини ошириш, ижтимоий инфратузилмани яхшилаш сервис соҳасини тубдан ислоҳ этиш аҳоли турмуш даражасини яхшилаш ҳамдасаноат корхоналари рентабиллигини ошириш, ишлаб чиқаришни сифати ошириш, хусусий секторнинг даромадини оширишга қаратилган кенг кўламдаги ишлар давлатимиз томонидан амалга оширилмоқда.

Муҳтарам Президентимизнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» асарларида Ҳукуматимиз томонидан реал секторни ривожлантириш мақсадида “2011-2015 йилларда Ўзбекистон саноатини ривожлантиришининг устувор йўналишлари тўғрисида”ги дастур тасдиқланди. Ушбу дастур саноат соҳасида умумий қиймати қарийиб 50 миллиард доллорни ташкил этадиган 500 дан ортиқ янги инвестиция лойиҳасини амалга ошириш кўзда тутди. Яқин беш йил ичида саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини камида 60 фоизга ошириш ялпи ички маҳсулотдаунинг улушини 2010 йилдаги 24 фоиздан 2015 йилда 28 фоизга кўпайтиришни таъминлаш вазифаси қўйилмоқда. Шу боис корхоналар яқин беш йил муддатга ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқишлари лозим.

Рақобат - хўжалик юритувчи субъектнинг ёки шахслар гуруҳининг иқтисодий фаолиятни амалга оширишда афзалликларга эга бўлишга қаратилган, қонун ҳужжатларига, иш муомаласи одатларига зид бўлган ҳамда бошқа хўжалик юритувчи субъектларга (рақобатчиларга) зарар етказадиган ёки зарар етказиши мумкин бўлган ёхуд уларнинг ишчанлик

обрўсига путур етказадиган ёки путур етказиши мумкин бўлган ҳаракатларидир. Монополияга қарши самарали сиёсатни амалга ошириш, рақобат тўғрисида ва табиий монополиялар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилиш республикада рақобат муҳитини ривожлантириш учун ҳуқуқий майдонни янада объектив зарурлиги ва иқтисодий моҳияти, товар ёки молия бозорларида, биринчи навбатда, ички истеъмол бозорида ва реклама соҳасида ноҳалол рақобатнинг олдини олиш, давлат сиёсати ва Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан ноқонуний хатти-ҳаракатларга йўл қўймаслик, жамоат тузилмалари билан узвий мувофиқлаштирган ҳолда истеъмолчиларнинг қонуний манфаатлари ва ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш чора-тадбирларини амалга ошириш; иқтисодий ночор корхоналарнинг молиявий-иқтисодий аҳволини ва рақобатбардошлилигини чуқур таҳлил қилиш хўжалик юритувчи субъектларни таркибий ўзгартириш ва уларнинг банкротлиги бўйича функцияларни амалга ошириш, таркибий ўзгартириш, санация ва банкротлик масалаларини кўриб чиқишда давлат манфаатларини ифодалаш билан бирга Республикада рақобат муҳитини шакллантириш учун амалга оширилган ислоҳотлар ва яратилган шароитларни назорати жуда муҳимдир. Мулкчилик шаклларининг кўплиги, бозор институтларига асос солинганлиги, товар-пул муносабатлари мукамаллиги, давлат монополияларининг камайганлиги, хусусий тадбиркорликнинг йилдан йилга иқтисодиётдаги улушининг кўпайиши кузатилаётганлиги, давлат томонидан амалга оширилган самарали рақобат сиёсати натижасида товарлар ва хизматлар бозорларини монополлаштириш даражаси сезиларли пасайганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Эришилган натижалар асосан товар ва хизматлар бозорларини эркин рақобатлаша оладиганва охир-оқибатда соғлом рақобат муҳитини шакллантирадиган янги хўжалик юритувчи субъектлар ва тадбиркорлик субъектларини ташкил топиши учун қулай шароитларни яратишда намоён

бўлди. Устун мавқега эга бўлган, айниқса истеъмол бозорида устун мавқега эга бўлган корхоналар сонини сезиларли қисқариши, яъни 1996-2012 йилларда монополист-корхоналарнинг соникарийиб 4, 3 бараварга қисқарди, монопол маҳсулотларнинг сони 12 бараварга қисқарди, фақатгина 2007-2012 йилларда монопол маҳсулотларнинг ЯИМдаги улуши 26фоиз дан 19фоиз пасайди.

Шунингдек БНҚИЗнинг ички истеъмолчилари Республикада фаолият юритаётган нефтебаза корхоналари бўлиб, корхона томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга (автобензин, мазут, дизел ёқилғиси, реактив двигател ёқилғиси, суюлтирилган газ) бўлган республика ичидаги эҳтиёжни мазкур завод ва бошқа ишлаб чиқарувчилар томонидан тўлиқ қондирилиб келинмоқда. Бундан ташқари, ушбу маҳсулотлар (бензиндан ташқари) ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан экспорт қилинмоқда.

Корхона ишлаб чиқараётган маҳсулотлари бўйича республика товар бозорида устунлик мавқени эгаллаб турганлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 24. 07. 1998 й. 10-р-сонли буйруғига асосан қўйидаги нефть маҳсулотлари бўйича монополист корхоналарлар давлат реестрига киритилганлиги сабабли БНҚИЗ барча монопол нархларини Молия вазирлигида декларация қилишга мажбурлиги сабабли корхона республикадаги ички истеъмолчиларга тасдиқланган нархларда сотишни амалга оширмоқда, лекин монополияга қарши қонунчиликка асосан монополист корхоналар экспортга эркин нархлар қўллаган ҳолда сотиши мумкинлиги сабабли корхона томонидан айрим ҳилдаги маҳсулотларни (дизел ёқилғиси) экспортга эркин нархларда валютага сотилмода. Бу эса ўз навбатида, корхонанинг импортдан олиб келинадиган ишлаб чиқаришда зарур бўлган ҳом ашёларни харид қилиш муаммосини ҳал этмоқда .

Жаҳон бозорларидаги беқарорлик шароитида мамлакатни барқарор ривожлантириш вазифасини ҳал этишда иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъминлаш масаласи устувор аҳамият касб этади.

Миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлилиги ҳалол рақобат шароитида жаҳон бозори талабларини қондирувчи, иқтисодий ўсиш ва турмуш сифатини оширишни таъминлайдиган товарларни ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш, ҳамдаўрта ва узоқ муддатга иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини таъминлаб туриш қобилиятидир.

Тадқиқод натижалари асосида Ўзбекистон саноатини жадал ривожини таъминлашда монополияга қарши сиёсатни изчил равишда объектив зарурлиги уни такомиллаштириш, давлат томонидан амалга оширилаётган ҳуқуқий нормаларни ишлаб чиқиш ва жорий этишда Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Монополияга қарши сиёсат маркази томонида амалий таклифларни киритиш ва фаол иштирокларини таъминлаш зарур. Шунингдек муайян хулосаларга келинди ва тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди. Улар қуйдагилардан иборат:

1. Монополияга қарши сиёсатни амалга ошириш бу замон талабидан келиб чиққан ҳолда объектив зарурлиги, саноат корхоналарини молиявий соғломлаштириш молиявий-иқтисодий инқироз шароитида амалга оширилаётган чора-тадбирлар, соҳадаги муаммолар ва уларнинг ечимини ҳал қилиш зарурлигини талаб қилади. Хулоса килиб шуни айтиш мумкинки молиявий-иқтисодий инқироз шароитида саноат корхоналарининг молиявий ҳолати уларнинг рақобатбардошлиги ва ўзаро ҳамкорликдаги салоҳиятини белгилаб беради, ҳамда саноат корхоналар ва ҳамкорларининг иқтисодий, хусусан молиявий манфаатларининг қандай даражада кафолатланганлигини баҳолашни амалга ошириш зарур;

2. Монополияга қарши сиёсатни иқтисодий моҳияти саноат корхоналарида қатъий тежамкорлик тизимини жорий этиш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини камайтириш, ишлаб

чиқариш жараёнини модернизация қилишни давом эттириш ҳисобидан саноат корхонани рақобатбардошлигини ошириш лозим;

3. Саноат корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни экспортга йўналтириш, ишлаб чиқариш қувватларини ошириш, халқаро стандартларга ўтиш бўйича қабул қилинган қарорларни амалга ошириш, саноат корхонани ички ва ташқи бозорда барқарор мавқега эга бўлишини таъминлаш лозим;

4. Саноат корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни экспорт ва ички бозорга биржа савдолари орқали сотиш саноат корхонанинг даромадлари ошишини ва зарар билан ишлашни олдини олишга хизмат қилади.

Хусусийлаштириш, монополиядан чиқаришда рақобатни тармоқ ва ҳудудий дастурлари лойиҳалари бўйича таклифлар ишлаб чиқиш зарур бўлиб, республика аҳолисини ва халқаро жамоатчилиқни республика иқтисодиёти тармоқларида Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш жараёнлари тўғрисида оммавий ахборот воситалари ва Интернет тармоғи орқали кенг хабардор қилиниши замон талаби бўлиб, республика ва дунё мқиёсида ишбилармонларни, инвесторларни, молия бозорлари иштирокчиларини, олим ва тадқиқотчиларни хусусийлаштириш ва монополияга қарши амалга оширилиши кўзда тутилганжараёнларга жалб этилиши хусусий секторни ривожига катта хисса қўшишини таъминлайди. Бунинг замирида ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга ошириш учун ижобий муҳитни яратилиб, рақобатни ривожлантириш, табиий монополиялар соҳасини тартибга солиш, инновацион лойиҳаларни жорий этиш билан бирга, янги иш жойлари ташкил этилиши, малакали ёшларни иш билан таъминлашни, яъни барқарор иқтисодий ўсишни таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари

- 1 Ўзбекистон республикаси қонуни табиий монополиялар тўғрисида 24. 04. 1997й. N398-I.
- 2 Ўзбекистон республикаси қонуни рақобат тўғрисида 01. 06. 2012й.
- 3 Ўзбекистон республикаси қонуни банкротлик тўғрисида 05. 05. 1994й. N 1054-XII.
- 4 Ўзбекистон республикаси қонуни истемолчиларни ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида.
5. Ўзбекистон республикаси қонуни реклама тўғрисида 25. 12. 1998 й. N 723-I

II. Ўзбекистон Республикаси Президент Фармонлари ва қарорлари

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2008 йил 18 ноябрь, ПФ-4053-сон.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш юзасидан қушимча чора-тадбирлар тугрисида, 2009 йил 20 январь, ПК-1041-сон.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. Маҳаллий нооziқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қушимча чора-тадбирлар тугрисида. 2009 йил 28 январь, ПК-1050-сон.
4. «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида коперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. // Халқ сўзи. №4 2006 йил 6 январь. 2. Ўзбекистон 2. 5. Республикаси Президентининг 2010 йил 15 декабрдаги 1442-сонли"2011-2015 йилларда саноатни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида"ги қарори;

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 4 октябрдаги 1623-сонли «Янги турдаги рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ўзлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори;

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 27 декабрдаги 1668-сонли «2012 йилги инвестиция дастури тўғрисида»ги қарори;

III. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси 18.01.2013

2. Каримов И. А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халкимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. -Президент И. А. Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси//Халқ сўзи, 2011 йил 22 январь.

3. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. – Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 28 январь.

4. Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир. – Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 6 декабрь.

5. Каримов И. А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / И. А. Каримов. – Т: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.

6. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. Президент Ислом Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 14 февраль.

7. Каримов И. А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. – Т. : Ўзбекистон, 2009. – 24 б.

8. Каримов И. А. Бош мақсадимиз – кенг кенг қўламли ислохатлар ва модернизация йўлини қатият билан давом етириш //Халқ сўзи. 2013 йил январь, №13(5687)

9. Каримов И. А. Барча режа дастурларимиз – ватанимиз тарақиётини юксалтириш, ҳалқимиз фаровонлигини оширишга ҳизмат қилади. Т Ўз, 2011-48

IV Дарсликлар, ўқув қўлланмалар ва мақолалар тўплами

1. Бозор қонунлари асослари(Раҳманкулов Х. Р., Окулова О. , Тансиқбоева Г, М. , Фиглин Г. М.) 1996. -135 б.

2. Шоалимов А.Х. Тожибоева Ш.А. Иқтисодий таҳлил назарияси. Дарслик. –Т.: ТДИУ, 2010. -265 б.

3. Статистик тўплам (Шеров А. , Закиров К. , Ким У. , Азизова Г. , Абкеримова Л..) 2011-128 б.

4. Макроиқтисодиёт(Ахмедов Д. Қ. , Ишмухаммедова А. Э. , Джумаев Қ. Х. , Джумаев З. А..)2008-113 б.

5. Саноат иқтисодиёти(Ортиқов А..)2008- 67 б.

6. Жаҳон молиявий инқироzi(Джумаев Н. Х. , Абдурахмонов О. Қ.)2010-71 б.

7. Саноат корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш(Ортиқов А. А. , Юлдашева Ш. М. , Карабаева Г. Ш. , Наджимадинов Р. Д..)2007-132 б.

8. Монополияга қарши сиёсатни институционал асослари (Карлибаева. Р, Ўрмонов. Н, Жумаев О) 2011-23 б.

9. Корхоналар рақобатбардошлигини баҳолаш(Карлибаева. Р, Ўрмонов. Н, Жумаев. О) 2011-43 б.

V. Интернет манбалар

- | | |
|--------------------------------|------------------------------|
| 1. WWW. Antimon. uz | 7. WWW. ceep. uz |
| 2. WWW. Lex. uz | 8. WWW. Stat. uz |
| 3. WWW. Gki. uz | 9. WWW. Ziyonet. uz |
| 4. WWW. Norma. uz | 10. WWW. TSUE. uz |
| 5. WWW. vliberary. freenet. Uz | 11. WWW. gov. uz |
| 6. WWW. Cbu. uz | 12. WWW. pravo. eastlink. uz |